Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 14 октябрь, № 211 (9106) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Бирлашган кураш дунёси раҳбари Ненад Лаловични қабул қилди.

Ушбу нуфузли глобал тузилма билан Ўзбекистонда спортнинг яккакураш турларини ташкилий-эксперт жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва янада оммалаштириш соҳасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда анъанавий тарзда юнон-рум кураши, эркин кураш, аёллар кураши, шунингдек, аралаш жанг санъатлари фаол ривожланмоқда.

Кейинги йилларда яккакурашчиларимиз нуфузли мусобақаларда 45 та юксак совринни, жумладан, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида олтин медалларни қўлга киритди.

Музокаралар чоғида халқаро бирлашма раҳбари Янги Ўзбекистонда оммавий спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни, жумладан, ҳаммабоп ва замонавий инфратузилмани кенгайтириш, нуфузли турнир ва мусобақаларни мунтазам ўтказиш орқали ёшларни спорт ҳаракатига кенг жалб этиш борасидаги ишларни юқори баҳолади.

Мамлакатимизда йирик қитъа ва жаҳон чемпионатларини ташкил қилиш, ташкилот шафелигида Минтақавий кураш академиясини таъсис этиш, спорт тиббиёти, диетологияси, психологияси ва бошқа устувор йўналишларда шериклик масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз болалар ва ёшлар ўртасида спорт яккакурашларини оммалаштириш, иқтидорларни саралаш ва тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллалардаги тўгарак ва заллардан тортиб спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган мажмуаларгача бўлган инфратузилмани такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Бу чора-тадбирлар, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Олимпия ўйинлари ва бошқа йирик мусобақаларда янги муваффақиятларга олиб келиши керак.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти оммавий спорт ва яккакураш турларини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун Ненад Лаловичга давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» орденини топширди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАМКОР ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛ ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш, қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳанинг хусусий сектор учун жозибадорлигини ошириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 50 минг километрлик суғориш тармоқлари мавжуд бўлиб, 1,6 минг насос станцияси ва 10 мингдан зиёд сув объектлари фаолият юритмоқда. Сўнгги йилларда юртимизда сув хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш, ирригация инфратузилмасини янгилаш ва сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш борасида изчил чоралар кўрилмоқда. Бироқ қуйи бўғиндаги бошқарув тизимида, жумладан, хизмат кўрсатиш самарадорлиги, ҳисоб-китоблар шаффофлиги ва молиявий мустақиллик билан боғлиқ ҳали ечимини кутаётган муаммоли масалалар бор.

Тақдимотда соҳада амалга оширилаётган рақамлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Янги ёндашув асосида сув ҳисобини юритиш тўлиқ электрон шаклга ўтказилади. “Suv hisobi” ахборот платформаси орқали фойдаланилган сув миқдори аниқ ҳисобланади ва истеъмолчиларга электрон тарзда маълум қилинади. Бу тизим ҳисоб-китобларда инсон омилини камайтиради, ортиқча қоғозбозликни бартараф этади ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида “Рақамли қишлоқ хўжалиги” платформаси билан интеграция йўлга қўйилади.

Шу орқали суғориладиган ерлар, экин турлари ва сув лимитлари ҳақидаги маълумотлар автоматик янгиланиб борилади.

Шунингдек, соҳадаги барча маълумотларни бир тизимда жамлаш учун Сув хўжалиги вазирлигининг “Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази” ташкил этилади. Марказ сув баланси, насос станциялари ва сув сарфи бўйича маълумотларни таҳлил қилади, қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш имконини яратади.

Бундан буён сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш масалалари билан алоҳида вазир ўринбосари шуғулланади.

Соҳада “Давлат сув кадастри” ахборот тизими яратилади. У орқали сув ресурсларига оид маълумотлар тегишли вазирлик ва идоралардан йиғилади ва ягона базада шакллантирилади. Бу, ўз навбатида, маълумот алмашиш жараёнини соддалаштириб, ҳисоботларни қоғозда юритиш амалиётини қисқартиради. “Давлат сув кадастри” тизимини 2026 йил апрелига қадар тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Қуйи бўғиндаги хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Эҳтиёж ва мавсумий шароитдан келиб чиқиб хизматларда штатларнинг ўзгарувчан бошқарув тизими жорий этилади. Хизматларнинг самарадорлиги KPI кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

2026 йилдан бошлаб ходимларни рағбатлантириш тизими амалий натижаларга боғланади, яъни етказилган сув миқдори ва фойдаланилган ҳажм ўртасидаги тафовут асосида аниқланади.

Муассасаларнинг молиявий мустақиллигини ошириш мақсадида сув солиғидан тушган маблағларнинг 40 фоизини ўзининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтиришига рухсат берилади.

Сув хўжалиги насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш амалиёти кенгайтирилади. 2026 йилда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги насос станцияларнинг 50 фоизи, 2027 йилга бориб эса Наманган вилоятидаги барча насос станцияларини хусусий шерикликка бериш режалаштирилмоқда.

Бу борада Наманган вилоятининг Чортоқ туманида “бир насос — бир тизим” тамойили асосида Чортоқ тажрибаси амалга оширилади. Бунда хусусий шерик истеъмолчиларни сув лимити доирасида сув билан таъминлайди, насосларга боғланган майдонлардан ҳисобланган сув солиғининг 40 фоизи хусусий шерикка тўлаб берилади. Ушбу маблағлар ҳисобига сув ҳисобини автоматлаштириш ва насос станцияларини босқичма-босқич модернизация қилиш йўлга қўйилади.

Тажрибанинг мазмун-моҳияти ва афзалликларини деҳқон ҳамда фермерларга етказиш мақсадида “Сувчилар мактаби” лойиҳаси доирасида 2025-2026 йилларда ҳар бир туманда биттадан “ўқув дала-шийпон” ташкил этилиб, жами 141 та туманда 3,5 минг гектар майдон қамраб олинади.

Президентимиз мутасаддиларга соҳада рақамлаштиришни жадаллаштириш, ҳисоб ва ҳисобот жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, қуйи бўғинда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш ва ходимларнинг масъулиятини кучайтириш бўйича аниқ топшириқлар берди ҳамда бу борадаги тегишли ҳужжатларни имзолади.

ЎзА.

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Юртимизда кейинги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, улар учун қулай ва тўсиқсиз муҳит яратишга, шунингдек, инклюзив таълимни давлат сиёсати даражасига кўтаришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўрганиш

7 — 9 октябрь кунлари Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Б. Абдуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятида Барқарор ривожланиш мақсадларининг “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Ўрганишларга кўра, вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида 1 та “ижтимоий кўча” ташкил этилган бўлиб, улар ногиронлиги бўлган шахслар эркин ва тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун мослаштирилган, кўзи ожизлар учун тактил қопламалар ва овозли светофорлар ўрнатилган.

➡2

Сиёсий партиялар фракцияларида

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимизнинг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Россия” форматидаги иккинчи саммит ҳамда МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Фракция аъзолари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган таклифларни қўллаб-қувватлаб, мазкур ташаббуслар МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, саноат, транспорт, илмий-техникавий ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги интеграцияни янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Йиғилишда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланишга қаратилган қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.

Маълум қилинганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳада айрим қонун ҳужжатларига товарларнинг, хизматларнинг ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига ёки товарларнинг реализациясига қонунга хилоф равишда аралашганлик ёхуд тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

➡2

ИННОВАЦИОН ҒОЯ ВА ТАЖРИБАЛАР МАЙДОНИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова пойтахтимизда ўтказилган “InnoWeek — 2025” халқаро инновациялар ҳафталиги доирасида “Ижодкор аёллар: ғоялар, ихтиролар ва ютуқлар йўлида” мавзуидаги семинарда иштирок этди.

Семинар

Тадбирда соҳага дахлдор вазирлик ва идоралар вакиллари, илмий-тадқиқот муассасалари мутахассислари, илм-фан ва инновациялар йўналишида фаолият юритаётган хотин-қизлар ҳамда ёш ижодкорлар қатнашди.

Семинар давомида маърузачилар хотин-қизларнинг инновацион жараёнлардаги фаол иштирокини таъкидлаб, уларнинг жамият тараққиётидаги муҳим ролини қайд этди, шунингдек, ахборот ва юқори технологиялар даврида ижодий ёндашувнинг аҳамиятига эътибор қаратди. Хотин-қизларнинг ҳар бир фикри янгиланиш сари ташланган қадам, ҳар бир ташаббуси жамият ривожи учун янги имконият экани таъкидланди.

“InnoWeek — 2025” халқаро ҳафталиги илм-фан, ижод ва ҳамкорликни бирлаштирган очиқ мулоқот майдони бўлиб, қатнашчиларга ўзларининг инновацион ғоялари ва амалий тажрибаларини намоён этиш имконини берди.

«Халқ сўзи».

“Субҳидам чоғи уйғонишда барака бор”, дейди халқимиз. Бу бежиз эмас. Тонгнинг сокин ва соф табиати киши руҳини поклайди, диққатини жамлайди. Осмон қопқасини ёрита бошлаган қуёшнинг заррин нурлари қалбнинг, онгу шуурнинг энг чуқур пучмоқларини-да зиёга чулғайди.

Поклик, софлик, руҳий тетиклик, хотиржамлик, диққатни бир нуқтага қарата олиш, очиқ фикрлилик, теран тафаккур, фидойилик эса инсон учун чинакам куч-қудрат манбаидир.

Нигоҳ

Демак, ҳамма гап эрта уйғонишда! Бу одат қалб бедорлиги билан чамбарчас. Яъни маънан уйғоқ инсоннинг бошига юмшоқ болиш ҳам ботади. Чунки у нафақат ўз орзу-мақсадлари йўлида тиришқоқ бўлади, балки ўзгаларнинг ҳам муаммоларини худди ўзиники каби билиб, уларни ҳал этиш устида қайғуради, тинмай бош қотиради. Бунёд қилиш, яратиш, яшнатиш мақсадида ором билмайди. Қисқача айтганда, доим эл-юрт ғамида яшайди, дўсту яқинлари, маҳалладошлари, ўзи яшаётган туман, вилоят, бутун мамлакат тақдирига дахлдорлик, масъуллик ҳис этади.

Маънан уйғоқлик — фақат огоҳлик, ҳар бир воқеликка тийрак назар билан умр ўтказиш эмас, ҳаётни теран тушуниш, олам ва одам сир-синоатларини англаш, ўзгаларга яхшилик қилиш, бу дунёда ўзидан эзгу ном қолдиришга интилишдир. Шу маънода, қалб кўзи очиқ инсон ҳавойи орзуистакларга берилмайди, нафсини жиловлай билади. Қонунбузарликка, адолатсизликка йўл қўймайди. Инсонни қадрлайди, миллат дардини аритишга, Ватан шаънини улуғлашга бел боғлайди.

Маънавий бедорлик касб, ёш ва жинсга, диний эътиқодга боғлиқ эмас. Мактабдаги муаллимлар ҳам, шифохонадаги оқ халатли нажоткорлар ҳам, ёки дейлик, ишлаб чиқариш вакиллари, тадбиркору ҳунармандлар, даладан барака ундираётган фермеру деҳқонлар ҳам ана шу толега мушарраф бўлса, ўз ишини сидқидилдан, ғоят моҳирлик билан қилади. Бу орқали мамлакат тараққиётига, жамиятдаги барқарорликка, фаровонликка ҳисса қўшади.

Шу билан бирга, катта ҳаётга энди қадам қўйган ёш йигит-қизлар ўз тақдири шу Ватан тақдири билан чамбарчас эканини чуқур тушуниб, унинг эртаси бугунидан-да обод бўлиши йўлида бутун борлиғини бағишлаши мумкин. Кўпни кўрган, ёши улуғ инсон умрнинг ўткинчилигини, мамлакат фидойилик, қатъият ва курашувчанликсиз ривожлана олмаслигини англаган ҳолда бор билим ва тажрибасини умуммиллий тараққиётга сафарбар этаётганига кўп-да гувоҳ бўламиз.

Ёки аксинча, ён-беримизда ҳар дақиқаси олтинга тенг вақтдан, ёшлик қувватидан самарали фойдаланмай, умрининг баҳорини ҳуда-беҳуда ишларга сарф қилиб юбораётганлар ҳам, “мен шунча ишлаб қўйдим, энди ҳордиқ чиқариб юрсак ҳам бўлаверади” қабилида чойхонама-чойхона юриб, гап-гаштакдан бўшамаётганлар ҳам учрайди.

➡3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 14 октябрь

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

1 Шунингдек, Президентимизнинг топшириғига асосан вилоятдаги 62 та мактабда 117 нафар ногиронлиги бўлган ўқувчи учун 81 та инклюзив синф ташкил этилган. 30 та мактабни тўлиқ тўсиқсиз муҳитга мослаштириш мақсадида эса 1 млрд. 438 млн. сўм йўналтирилган. Бу чоралар ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Вилоятдаги учта олий таълим ташкилотида жами 285 нафар ногиронлиги бўлган шахс таҳсил олмоқда. Улардан 275 нафари бакалавриат, 9 нафари магистратура, 1 нафари эса таянч докторантура босқичида ўқимоқда. Олий таълимга қабулда ногиронлиги борлар учун алоҳида 2 фоизлик квота жорий этилгани натижасида сўнгги уч йилда уларнинг қамров даражаси 89 фоизга ошган. Шу билан бирга, вилоятдаги олий таълим муассасаларида 19 нафар ногиронлиги бўлган профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда.

Меҳнат соҳасида ҳам ижобий натижалар кузатилмоқда. Хусусан, меҳнатга лаёқатли 18 дан 60 ёшгача бўлган 19 минг 110 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг 5 минг 601 нафари бандлиги таъминланган. Шу билан бирга, 1 минг 462 нафар ногиронлиги бўлган шахс якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда, 263 нафари эса касб-ҳунарга ўқитишга жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 июлдаги тегишли қарорига мувофиқ ногиронликни белгилашнинг янги тизими жорий этилди.

Унга кўра, ногиронлик гуруҳи ва муддати, беморнинг ўзгалар парваришига эҳтиёжи, тиббий реабилитация ҳамда протез ёки реабилитация воситасига муҳтожлик ҳақидаги маълумотлар инсон омилисиз, автоматик равишда “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида шакллантирилади.

Мониторинг ва таҳлиллар асосида соҳадаги тизимли муаммолар ҳамда ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар (“Йўл харитаси”) ишлаб чиқилди.

Сирдарё вилоятида ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари эса Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилиниши режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

РУСТАМ ЎРМОНОВИЧ АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг таниқли намояндаси, мамлакатимизнинг биринчи мудофаа вазири, истеъфодаги генерал-полковник Рустам Ўрмонович Аҳмедов 82 ёшида вафот этди.

Р. Аҳмедов 1943 йил 10 ноябрда Фарғона вилоятининг Бағдод туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг дастлаб Тошкент олий танк қўмондонлик билим юртида, кейин Москва шаҳридаги Зирҳли танк қўшинлари ҳарбий академиясида таълим олди.

Бутун ҳаётини ҳарбий соҳага бағишлаган Р. Аҳмедов танк полкида взвод командири, танк дивизияси сиёсий бўлими бошлиғининг ёрдамчиси, танк дивизияси батальони командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент олий танк қўмондонлик билим юрти курсантлар батальони командирининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилиб, шахсий таркибни бошқариш, унинг ҳарбий, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини ошириш борасида етарли билим ва тажриба орттирди.

Тошкент олий танк қўмондонлик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик ва Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган йилларида унинг ташкилотчилик қобилияти яққол намоён бўлди.

Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг Р. Аҳмедов Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазири, айни вақтда бирмунча муддат Миллий гвардия қўмондони вазифасини бажарувчи сифатида фаол иш олиб бориб, миллий армиямизни шакллантириш, давлатимиз мудофаа тизимини барпо этиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш йўлида жонбозлик кўрсатди. Мудофаа вазирлигининг Бош штаби қайта ташкил этилиб, Қуролли Кучлар Бирлашган штабига айлантирилди, ҳарбий округлар тузилди, ҳарбий қисмларнинг жойлашув ва бошқарув тизими такомиллаштирилди. Мудофаа вазирлигининг бошқа куч тузилмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Р. Аҳмедов 1997-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири лавозимида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Фахрий генерал, улуғ ёшда бўлишига қарамасдан, Янги Ўзбекистонда Қуролли Кучларни модернизация қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлигини ошириш борасидаги улкан ислоҳотларни амалга оширишда мудофаа вазирининг маслаҳатчиси сифатида ўзининг бой билим ва тажрибаси билан фаол иштирок этди. Қайси лавозимда хизмат қилмасин, ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб, ўз зиммасидаги вазифаларни масъулият ва шараф билан бажарди, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда шахсий намуна кўрсатди.

Р. Аҳмедовнинг ҳарбий соҳадаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикасининг II даражали “Шон-шараф” ва “Дўстлик” орденлари билан мукофотланди.

Таниқли ҳарбий қўмондон, самимий ва камтарин инсон Рустам Аҳмедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, В. МАХМУДОВ, Ш. ХАЛМУХАМЕДОВ

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ КУРАШДА МУҲИМ МАНБА

Бугунги кунда жаҳон миқёсида энергетика соҳасидаги энг долзарб йўналишлардан бири — қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ)ни ривожлантириш ҳисобланади.

Экологик барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда бундай технологиялар алоҳида аҳамият касб этади.

Мулоҳаза

Эътиборлиси, Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда изчил сиёсат юритилиб сўнгги йилларда “яшил” энергияни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, мамлакатимизда энергия барқарорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида изчил ислоҳотлар амалга ошириляпти. Бундан кўзланган асосий мақсад — аҳолини узлуксиз энергия билан таъминлаш, энергетик хавфсизликка эришиш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини ташкил қилишдан иборатдир.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон энергетика секторининг “яшил” иқтисодиётга ўтиши жараёнида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш муҳим роль ўйнайди. Боз устига углеводород энергияси манбалари ресурсларининг чегаралганлиги, уларнинг ҳажми камайиши муқобил энергетикани ривожлантириш чораларини кўришни талаб этмоқда.

Таҳлилчилар хулосаларига кўра, Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий салоҳияти 51 млрд. тонна нефть эквивалентига тенг бўлиб, техник имкониятлари эса 179 млн. тонна нефть эквивалентини ташкил этади.

Шу боис мамлакатимизда 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари қувватини электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 40 фоизидан ошириш мақсади илгари сурилган. Бу ҳар йили 25 млрд. куб метр табиий газни иқтисод қилиш, атмосферага зарарли ташламаларни 34 млн. тоннага қисқартириш, демакдир.

Сўнгги йилларда қуёш ва шамол энергияси соҳасида йирик халқаро лойиҳалар, ҳамкорликда энергетика соҳасига инвестициялар йўналтирилмоқда. Шунингдек, маҳаллий хусусий секторни жалб этиш мақсадида қуёш панеллари ва инверторлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Унинг кенг миқёсда жорий қилиниши иқлим ўзгаришига қарши курашда муҳим аҳамият касб этиб, атмосферага кам миқдорда “иссиқхона газлари” чиқиндиларини чиқариш глобал исишни ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини камайтиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, энергетик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили ҳамдир. Чунки аҳоли ва саноат учун энергия таъминотининг барқарорлигини оширишда ва хорижий энергия манбаларига қарамликни камайтиришда мазкур технологиялар муҳим ўрин тутади.

ҚТЭМ иқтисодий ривожланишнинг асоси бўла олади ва ушбу соҳадаги инвестициялар янги технологиялар ривожига, инновацияларга ва янги иш ўринлари яратилишига олиб келади. Шунингдек, қуёш, шамол ва бошқа табиий ресурслардан энергия олиш харажатларини камайтириб, ресурслардан узоқ муддатли фойдаланиш имконини яратади.

Мазкур жараённи ривожлантириш шу куннинг муҳим мавзуси эканлиги сир эмас. Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш йўналишида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар ҳам мавжуд.

Хусусан, бундай тизимларни миллий электр тармоқларига самарали интеграция қилиш, қувватни сақлаш технологияларини жорий этиш, малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқот базасини кучайтириш шулар жумласидандир.

Шунинг учун қайта тикланувчи энергия соҳасида маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, илмий-тадқиқот институтлари ва хусусий сектор ҳамкорлигида янги энергия сақлаш ҳамда тақсимлаш технологияларини жорий этиш ва ёш мутахассислар ҳамда тадбиркорлар учун қайта тикланувчи энергия йўналишида грантлар ва таълим стипендияларини кенгайтириш бу йўлдаги муаммолар ечимини тезлаштириши, шубҳасиз.

Бундай манбалар мамлакатимиз учун нафақат экологик, балки иқтисодий барқарорликни таъминловчи муҳим омилдир. Бу соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган стратегия ва дастурларнинг изчил ижроси Ўзбекистоннинг энергетик мустақиллиги ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштиради.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.

АДОЛАТ — ЖАМИЯТНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Бугунги дунё янги синовларни бошдан кечирмоқда: экологик инқирозлар, ресурслар тақчиллиги, миграция жараёнлари, хавфсизлик таҳдидлари. Бундай вазиятда бирлашиш, тажриба алмашиш, ҳамкорликни чуқурлаштириш — адолатли ва барқарор келажак сари ишончли қадам.

Муносабат

Дунёни қамраб олган бугунги мураккаб тарихий жараёнлар минтақамиз давлатлари олдига ҳам сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш вазифасини қўймоқда. Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Россия” форматидаги иккинчи саммитда ҳам айнан шу мақсадлар кун тартибидан ўрин олди.

Президентимиз ушбу нуфузли анжумандаги нутқида стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва умумий барқарорликни таъминлашга қаратилган бир қатор аниқ, амалий ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, “Марказий Осиё — Россия агроэкспресси” лойиҳасини ишга тушириш таклифи минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳозирда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг катта қисми, асосан, МДҲ аъзоларига экспорт қилинади. Аммо логистика-транспорт харажатларининг юқорилиги натижасида тадбиркорлар маҳсулот етказиб бериш жараёнида қийинчиликларга учрамоқда. Агроэкспресс лойиҳаси — бу темир йўл ва автомобиль қатновини уйғунлаштирган, тезкор, махсус логистика йўлакларини яратиш ғоясини назарда тутади. Бунинг натижасида экспортчилар учун вақт ва харажатлар сезиларли қисқаради, маҳсулот сифатини йўқотмай, тез етказиб бериш имконияти яратилади. Қоласверса, минтақада озиқ-овқат хавфсизлиги ва экспорт салоҳияти ошади.

Бу ташаббус нафақат экспортчилар, балки қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган минглаб деҳқон ва ишлаб чиқарувчилар учун янги бозор эшикларини очади. Бу орқали мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам қўшимча қиймат занжири яратилади, қишлоқ жойларида янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Бухорода Саноат инжиниринг хабини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Бу, минтақа давлатларининг илғор муҳандислик тажрибаси, саноат ечимлари ва инновацион ишланмаларини бир нуқтада жамлайдиган марказ ишга тушади, деганидир. Яъни бундай хаб минтақада саноат соҳасидаги кооперацияни кучайтиради, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни локаллаштириш имконини беради.

Шунингдек, ёш муҳандислар ва мутахассислар учун амалий тажриба мактаби вазифасини бажаради. Қоласверса, Бухоро шаҳрининг геостратегик жойлашуви ва сўнгги йиллардаги инфратузилмавий ривожланиши ҳам бу ташаббусни амалга ошириш учун қулай шароит яратади. Бу хаб фақат Ўзбекистон эмас, балки Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам индустриал инновация маркази бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Нутқда иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик масалаларидан ташқари, илм-фан, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш вазифалари ҳам қамраб олингани эътиборга молик. Зеро, инновация ва рақамли технологиялар тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда.

Айниқса, “Келажак муҳандислари” илмий-таълим консорциумини ташкил этиш ташаббуси ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очади. Бу, аввало, фундаментал илмий ишланмаларни амалга ошириш мақсадида етакчи олийгоҳлар ва тадқиқот тузилмалари салоҳиятини бирлаштиришга хизмат қилади. Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар бўйича минтақавий эксперт кенгашини тузиш, инновациялар соҳасида “Сколково” маркази филиалини очиш ғояси эса тараққиёт йўлида интеграцияни таъминлайди. Ўз навбатида, бу ўзбек ёшларига халқаро тажриба билан яқиндан танишиш, илмий салоҳиятини ошириш, янги билим ва ғояларни амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Шу билан бирга, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат миграциясидаги ижтимоий мослашув дастурларини амалга ошириш бўйича Президент таклифлари ҳам жамиятнинг энг муҳим қатламлари — аёллар ва ёш оилалар манфаатига қаратилган. Бу, шубҳасиз, инсон қадри устувор бўлган сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Демак, олдинда бизни янги масъулиятли давр, аниқ, мақсадли режаларни амалга ошириш учун самарали меҳнат кутяпти. Ушбу йўлда “Адолат” СДП ўз номи ва ғояларига содиқ ҳолда, адолатни жамиятнинг бош мезони сифатида қарор топтириш йўлидан қатъият билан ҳаракат қилади.

Робахон МАҲМУДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ

1 Мунозаралар давомида депутатлар лойиҳанинг аҳамияти ва заруратига эътибор қаратиб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан берилган қатор таклифлар эътиборга олингани ва ҳужжат матнида акс эттирилганини айтишди.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтиришга, ердан фойдаланувчиларнинг кафолатланган ҳуқуқлари таъминланишига ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланиш имконини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — рецепт билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний айланмаси учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси аҳоли саломатлигини ишончли ҳимоя этиш, дори воситаларини реализация қилиш талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган.

Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига рецепт асосида бериладиган дори воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши жазо чораларини кучайтириш таклиф этилмоқда.

Мунозаралар давомида депутат Козим Тожиев қонун лойиҳаси юзасидан ўз муносабатини билдирар экан, сўнгги йилларда кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний савдоси кўпайгани ачинарли ҳолат эканини, лекин жавобгарликни кучайтириш орқали бу масалани ечиб бўлмаслигини айтди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров ҳам қонун лойиҳасига муносабат билдириб, жарималарнинг икки ҳисса оширилиши билан дорихоналардаги ноқонуний савдо тўхтаб қолмаслигини таъкидлади.

Партия сайловолди дастурида соғлом ва фаол ҳаётни таъминлаш, миллат генофондини сақлаш бўйича устувор вазифалар белгиланган, шу маънода, “Миллий тикланиш” учун таълим-тарбия ишлари қанчалик муҳим бўлса, соғлиқни сақлаш масаласи ҳам шунчалик долзарб эканлиги қайд этилди.

Йиғилишда экологик тоза ҳудудларнинг режимини белгилаш, бир марталик пластик маҳсулотларнинг муомаласини тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мунозаралар давомида депутатлар аксарият давлатлар нафақат табиатга, инсон саломатлигига ҳам жиддий зарар етказувчи бир марталик пластик идишлардан воз кечаётганини қайд этиб, қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўйича бир қатор саволларни ўртага ташлашди.

Депутатларнинг фикрича, маълум манзиллар экологик тоза ҳудудга ажратилиб, фақат у ерларда тозалик ишларига кўпроқ эътибор қаратилиши жамиятимизнинг барча қатламлари кўзлаётган асосий мақсадлар билан уйғун эмас. Бироқ лойиҳада кўплаб тушунмовчиликлар мавжудлиги ҳамда уни янада такомиллаштириш зарурати борлиги ҳисобга олиниб, мазкур ҳужжат кейинги фракция йиғилишида кўриб чиқиладиган бўлди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам рецепт билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний айланмаси учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда рецепт билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний муомаласи, уларни қонунга хилоф равишда реализация қилиш ва инсон ҳаёти учун хавфли оқибатларга сабаб бўлаётган ҳолатлар кузатилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан таркибида кучли таъсир этувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки кўп миқдорда содир этилган ҳолатларда — жиноий жавобгарликни белгилаш ва икки юз баравардан уч юз бараваргача миқдорда жарима жазоси назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлмаган дори воситаларини ҳамда таркибида кучли таъсир этувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик учун амалда белгиланган жарималар миқдорини оширишни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритиляпти.

Фракция аъзолари Тоҳир Полвонов, Зуҳриддин Мавлонов мазкур қонун лойиҳаси аҳоли саломатлигини ишончли ҳимоя этиш, дори воситаларини реализация қилиш талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилганини таъкидлаб, ундаги айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13 ва 15-моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга “Ватандош” картаси эгалари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун миграция ва фуқароликка доир ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларни ўз турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш (унинг муддатини узайтириш) борасида имтиёзлар беришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Фракция аъзолари хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга Ўзбекистон ҳудудида профессионал, шу жумладан, тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишлари учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий шароитларни яратишга қаратилган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Навбатдаги масала — рецепт билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний айланмаси учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси бўлди.

У билан Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга рецепт асосида бериладиган дори воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши жазо чораларини кучайтириш таклиф этилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзоси Улуғбек Шерматов маъмурий жазо чоралари миқдорининг юқорилигига эътибор қаратган бўлса, депутат Қизилгул Қосимова қонун лойиҳасининг долзарблигига тўхталиб, фракция аъзоларини лойиҳани қўллаб-қувватлашга чақирди.

Узоқ давом этган фикр-мулоҳазалардан сўнг халқ вакиллари инсон организмига бевосита кучли таъсир қиладиган дори воситаларнинг рецептсиз тарқатилиши бевосита инсон ҳаёти учун хавфли оқибатларга олиб келиши нуқтаи назаридан лойиҳани қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, бир марталик пластик маҳсулотларнинг муомаласини тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳада тоза ҳудуд режими амал қиладиган жойларда экологик тизимлар барқарорлигининг бузилиши ва табиий ландшафтлар кўринишининг ўзгартирилишига олиб келадиган ишларни амалга оширишни тақиқлаш белгиланмоқда.

Шунингдек, табиий органик полимер маҳсулотлардан ташқари, бир марталик пластик идиш ва буюмлар муомалада бўлишини чеклаш ҳамда тупроқнинг унумдорлигини ошириш мақсадида органик ўғитлардан фойдаланишни рағбатлантириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, полиэтилен халталарнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга қаратилган нормалар белгиланмоқда.

Фракция аъзоси Моҳира Хўжаева экологик тоза ҳудудлар режимини жорий этиш нафақат “яшил” ҳаёт тарзини қарор топтиришга, балки чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш маданиятини ривожлантиришга хизмат қилишини айтди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатда экологик сиёсатни изчил амалга ошириш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим қадам бўлишини таъкидлаб, уни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар беришди.

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

«Халқ сўзи».

Осака шаҳрида ўтаётган «EXPO — 2025» бутунжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон павильони ўз йўналиши бўйича «Мавзунинг энг яхши очиб берилиши» номинациясида олтин медаль билан тақдирланди.

УЙҒОНИШ ФАСЛИНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

1

Кўнгил кўзи очиқ бўлса...

Дарҳақиқат, ҳаётда оқ ва қора, эзгулик ва ёвузлик, камтарлик ва кибр, бунёдкорлик ва вайронкорлик каби тушунчалар доим ёнма-ён бўлганидек, маънавий бедорлик билан бепарволик, боқимандалик, лоқайдлик, дангасалик, танбаллик, боқибеғамлик ҳамиша бақамти юради.

Тарихда миллатпарвар султонлар, олимлар, мутафаккирлар, шоиру нақкошлар, боғбону соҳибкорлар — умуман, касб-коридан қатъи назар, фикри уйғоқ инсонлар башарият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, қатор тамаддунларни юзага келтирган бўлса, қалб кўзи басир каслар ушбу цивилизацияларнинг емирилишига, иқтисодий-ижтимоий, маънавий таназзулга, эзгу тушунчалар заволига сабабчи бўлган.

Шу боис соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз тузукларида *“Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”*, дея улуғвор мақсадлар рўёби йўлида кимларга таяниш мумкину кимлардан узоқроқ бўлиш зарурлиги ҳақида ўгит беради.

Инчунин, собиқ иттифоқ даврида халқимизнинг тадбиркор, бой, чинакам илм-маърифатли бўлишига йўл қўйилмади. Ўзликни англашга, тарихни холис ва ҳаққоний ўрганишга, дунёга чиқишга, жаҳон билан интеграциялашишга тўсқинлик қилинди. Инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатлари, миллий-маънавий фазилатлари, ғурури топталди. Одамларнинг фикри, тафаккури, дунёқараши, қадриятлари мафкуравий қолипларга солинди. Халқимизнинг туриш-турмуши, эрку озодлиги, истак-интилишлари собиқ марказ ҳукмига бўйсундирилди.

Ватанимиз мустамлака бўлган даврда халқимизнинг зиёли вакиллари, истиқлол тарафдорлари, маърифатпарвар, фикри уйғоқ инсонлар турли айбловлар билан тинимсиз қатағон этиб турилгани бежиз эмас. Чунки ҳукмрон кучларга мустақил мулоҳаза юритадиган, эл-юрт эртасини ўйлайдиган, ватанпарвар, миллатсевар инсонлар керак эмас эди. Жамиятдаги кўзбўямачиликларни, қабиҳликларни, зулм ва зўравонликни кўнгил кўзи билан кўриб, қарши турадиганлар уларга фақат халал берарди.

Бундан ташқари, хусусий мулкнинг йўқотилиши, ҳаммани тенг қилишдек сохта мафкура сабаб алалоқибат одамларда ташаббускорлик, ғайрат-шижоат сўнди. Жамиятда боқимандалик кайфияти кенг ёйилди, лоқайдлик, суиистеъмолчилик, ҳафсаласизлик илдиз отди.

Таассуфки, бу иллатлар миллий зеҳниятимизга, феъл-сажиямизга шу қадар чуқур сингиб кетган эканки, халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин ҳам айрим юртдошларимиз ўтмиш асоратларидан ҳали ҳам тўла қутула олгани йўқ. Улар уззукун қорин ғамида, умрим роҳат-фароғатда, айш-ишратда ўтса бўлди, деган тушунчада. Бундай кимсаларга бирор давлат идорасида мансаб тегиб қолса борми, халқ мулкини талашдан, чўнтагини қаппайтиришдан, қай йўл билан бўлмасин, етти пуштига етадиган бойлик тўплашдан бошқасини билмайди. Ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариш, халққа хизмат қилишни унутади. Оқибатда тезда одамларнинг ғазабига, нафратига учрайди. Бу билан кишиларда нафақат ўзи ишлаётган идорага, балки давлатга, олиб борилаётган ислоҳотларга нисбатан ҳам ишончсизлик уйғотади.

Янгиланишлар ибтидоси

Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган илк кунларданоқ мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётни, халқнинг турмуш тарзини янгилаш билан бирга, одамларнинг тафаккурини ўзгартиришга, дунёқарашини ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратиб келяпти. Бинобарин, инсон ўзгармас, унинг фикр ва қарашлари ислоҳ қилинмас экан, жамиятда бирор янгиланиш юз бериши мушкул. Ислоҳотлар ижроси онгли тарзда бажарилсагина кўзланган мақсадларга нисбатан осон ва мукаммал эришилади.

Давлатимиз раҳбарининг бутун жамиятни янгилаш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, халқимизнинг руҳини уйғотиш, бутун куч-қудратини рўёбга чиқаришга қаратилган улуғвор мақсадлари Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ҳамда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояларида мужассам топди.

Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Биз бу йўлда ислоҳотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг бор билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатимизни ишга солишимиз зарур. Шундагина Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади”.

Президентимиз бу эзгу мақсад йўлида тўққиз йилдан буён қандай оламшумул ишларни амалга ошираётганини, уларнинг ҳаётбахш самараларини бугун барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Бу ўзгаришлар тинч-тотув, фаровон ҳаётимизда, орзу-истакларимиз рўёбида ўзининг ифодасини топмоқда. Ўзбекистонда янги уйғониш фасли бошланганини дунё аҳли ҳам, халқаро эксперт ва мутахассислар ҳам бирдек эътироф этмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон уйғониш фаслига қадам қўйди. Бу шундай фаслки, унда атроф-муҳит жонланиб, шаҳару қишлоқларимизнинг кўрку жамоли янгиланмоқда, ҳаётимизда сифат ўзгаришлари юз бермоқда, инсонлар онги, дунёқараши, миллат руҳи ҳам уйғонмоқда.

Чинакам озодлик, эркинлик, ҳурлик нафаси одамларимиз узоқ йиллар орзиқиб кутган бахтни — эмин-эркин яшаш, адолатли жамият қуриш, мустақил ҳаракатланиш, ҳеч нарсадан чўчимай сўз айтиш, хоҳиш-истакларини бошқаларга билдириш, худди озод қуш каби кўкда парвоз қилишдек саодатни туҳфа этмоқда.

Жамиятда очиқлик, ошкоралик, демократик тамойиллар мустаҳкамланиб боряпти. Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси боис давлат органлари халққа хизмат қиладиган идораларга айланди. Бир вақтлар оддий инсонларга ҳатто соясини ҳам кўрсатмайдиган турли идоралар раҳбарлари, ҳокимларни бугун ҳамма таний бошлади. Улар ўз фаолияти бўйича оддий халққа, уларнинг парламент ва ҳудудий кенгашларга сайлаб қўйган вакилларига ҳисоб беришга мажбур бўлмоқда.

Кишилар ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишни ўрганди. Халқ билан мулоқотнинг самарали механизми яратилгани туфайли юртдошларимизга ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва ташаббусларини, муаммоларини мутасаддиларга оворагарчиликларсиз етказиш имконияти пайдо бўлди.

Халқ қабулхоналари, Президентнинг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлил қилинганда маълум бўлдики, одамлар таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида аниқ-аниқ масалаларни кўтариб, улар бўйича тизимли ечимларни ҳам таклиф этмоқда. Аҳоли мактаб, боғча ва шифохоналарнинг кўпайтирилишини, таълим ва тиббиёт сифати оширилишини, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларининг ҳал қилинишини, иш ўринлари яратилишини, тадбиркорларга янги имкониятлар берилишини, адолат таъминланишини, бюрократия ва коррупциянинг йўқ қилинишини талаб этмоқда.

> *“Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.*
> *Биз бу йўлда ислоҳотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг бор билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатимизни ишга солишимиз зарур. Шундагина Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади”.*

Давлатимиз раҳбари эса бу масалаларнинг ҳеч бирига бефарқ эмас. Турли йиғилишларда, ўз чиқишларида бу каби муаммоларни ҳеч ким четдан келиб, ҳеч қачон ҳал қилиб бермаслигини, инсонларнинг дарду ташвишларини аритиш одамийликнинг энг олий мезони эканини таъкидламоқда. Мутасаддилардан уларнинг ижросини қатъий талаб этмоқда. Одамларимизнинг ташаббуси, шижоати ва салоҳиятини ишга солиш учун барча шароитни яратиб беришга ҳаракат қилмоқда.

Раҳбарлик — Ватан олдидаги масъулият

Ҳақиқатан ҳам, маънавий уйғонишда — ислоҳотларни ҳамжиҳатликда, юксак салоҳият ва қунт билан рўёбга чиқаришда янги тафаккурга эга фидойи инсонлар ва масъулиятли раҳбарлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бугун юртимизда қадриятлар, мезонлар, ўлчовлар ўзгарган. Илгари кишининг обрў-эътиборини, қадр-қимматини унинг лавозими, мавқеи белгилаган бўлса, бугунги кунда фидойилик ва меҳнат асосий мезонга айланди.

Энди раҳбарлик — бу имтиёз эмас, Ватан олдидаги масъулият, синов ва хизмат мактаби.

Зотан, ҳақиқий уйғониш ана шу фидойи меҳнатдан бошланади. Кечаги даврда катта амал деганда ҳашамат, нутқ ва кўргазмали йиғилишлар тушуниларди. Аммо бугунги замонда раҳбар — халқ билан, халқ орасида бўлиши керак. Шиддатли ўзгаришлар даври раҳбардан фақат бошқарув эмас, балки бунёдкорлик, меҳнатсеварлик ва виждон талаб этади. Ким халққа хизмат қилса — ўша чинакам етакчи. Масъулиятдан қочган эса амалдан ҳам айрилади.

Собиқ иттифоқдан қолган “ҳар вилоятнинг раҳбари ўзидан бўлсин” деган қараш анча йил яшади. Аммо бугунги ҳаёт исботладики, салоҳият, билим ва фидойилик ҳеч қандай географик чегарани тан олмайди.

Президентимиз изидан бориб, бу инсондан ўрнак, ибрат олиб, бутун Ўзбекистоннинг ҳар қарич ери менинг Ватаним дея яшаётган, унинг ободлиги учун бор билим ва иқтидорини сафарбар этаётган жонкуяр раҳбарлар орамизда кўп.

Масалан, Самарқанд вилоятида туғилиб Навоий, Сурхондарё ва Самарқандда фаолият кўрсатган, ҳозир эса Сирдарёда қувонарли натижаларга эришаётган раҳбарнинг тажрибаси — ҳақиқий етакчилик қудрати туғилган жойда эмас, виждон ва садоқатда эканини намоён этади.

Ёки сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг ислоҳотлар марказига айлангани ҳам бу ҳудуднинг раҳбари қандай инсон эканининг барометридир. Бу киши жонкуяр, ташаббускор, меҳнатсевар, ватанпарвар бўлмаса, давлат раҳбари қўяётган талабларни сидқидилдан бажармаса, ҳудуднинг кўрки, иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётидаги бугунги мисли кўрилмаган янгиланишлар қаёқда эди?!

Яқинда ушбу вилоятда бўлиб ўтган бир тадбирда иштирок этган ёши улуғ инсон Абдусамат Носиров шундай деди:

“Президентимиз ҳамма соҳада — иқтисодиётда, ижтимоий ҳаётда, кадрлар сиёсатида янги даврни бошлаб берди. Вилоятимиз мисолида бу яққол кўринади. 40 йил муҳокама қилинган масала — вилоят марказини Нурафшонга кўчириш амалга ошди. Энди 22 туманда ҳам катта ўзгаришлар кўзга ташланмоқда”.

Бу сўзлар халқнинг қалбидан чиққан самимий баҳо. Вилоятнинг қиёфаси ўзгарди, янги корхоналар, янги инфратузилмалар пайдо бўлди.

Бундай натижа тасодиф эмас — бу Президентимизнинг қатъияти, фидойи раҳбарларнинг меҳнати самарасидир.

Ғайрат ва ҳиммат меваси

Ўзбекистон замини — Яратганнинг назари тушган, муқаддас замин. Бу тупроқда не-не алломалар камолга етган, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшилган. Аммо қарийб бир аср давомида бу юрт мустамлакачилик остида яшади, миллий ғурур ва озодлик ҳисси босимга олинди.

Энди эса истиқлол шабадаси ва янги тафаккур уни қайта тирилтирди. Миллат ўз куч-қудратини англади, ўзлигини таний бошлади. Бу улуғ дарғаларимиз — жадидлар орзу қилган кунларнинг рўёби.

Меҳнат, фидойилик ва садоқат — бу уйғонишнинг асосий устунларидир. Фидойилик фақат сўз эмас, балки ҳаёт фалсафаси. Инсон киндик қони томган тупроқни севса, унинг ҳар ҳовучини муқаддас билса, ана ўша муҳаббат уни яратишга ундайди.

Бу ҳақда Навоий ҳазратлари беш аср аввал ёзган сатрлар ҳануз долзарб:

“Тухм ерга кириб
чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб
ипак бўлди.
Лола тухмича
ғайратинг йўқму?
Пилла қуртича
ҳимматинг йўқму?”

Ҳа, бугун ҳар бир инсондан ана шундай ғайрат, шундай ҳиммат талаб қилинади.

Фидойилик — меҳнатга садоқат, виждонга суянган хизматдир.

Ёши улуғ отахон Атамурод Давлетмуратов шундай ёдга олади:

“Аввалари кўплаб раҳбарлар фақат мансаб учун ишларди. Улар кетгач, халқ орасида яхши гап эшитилмасди. Аммо ҳалол ва пок инсонлар ҳам бор эди. Бугун шундай раҳбарлар кўпаймоқда”.

Нуроний отахон сўзини давом эттириб ўз кузатувини шундай изоҳлайди:

“Илгариги сиёсатда раҳбарлик иши вақтинча деб қараларди. Энди эса Президентимиз раҳбарликни фидойилик асосига қурди. Шу сабаб юртимизда ҳақиқий ўзгаришлар юз бермоқда”.

Бу фикрлар — халқ онгидаги ижтимоий бурилиш намунаси. Янгиланиш руҳи энди ҳар туманда, ҳар шаҳарда сезилмоқда. Бугун раҳбарлар ҳам, халқ ҳам уйғонмоқда. Улар юртини олдингидан ҳам кўпроқ севмоқда.

Инсон юртига муҳаббат қўйса, виждон билан хизмат қилса, ана шу одам — ҳақиқий уйғониш фаслининг фарзанди. Бундай инсонлар кўп бўлса, юртнинг келажаги ёруғ бўлади.

Ана шундай меҳр-муҳаббат билан яшаган инсон — энг бахтиёр ва энг юксак инсондир.

Тўғри, бугун мамлакатимизда ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бисёр. Энг муҳими, улар тан олиниб, ечими қидирилмоқда. Муаммоларни бартараф этиш ўз қўлимизда эканини англаб турибмиз.

Ҳозирги кунда халқаро экспертлар томонидан Янги Ўзбекистонга “Уйғонаётган арслон”, дея таъриф берилаётгани бежиз эмас. Юртимиз ўзининг беқиёс куч-қудратини намоён этиб, жаҳонда ўз сўзи, ўз овозига эга бўлиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида, Туркий давлатлар ташкилоти саммитида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида билдирган таклиф ва ташаббуслари халқаро жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олингани сўзимизнинг исботидир.

Халқимиз ўзлигини, қандай буюк аждодларнинг вориси эканини англаб, нурафшон манзиллар сари дадил одимлаётгани — одамларимизнинг тафаккуридаги уйғоқлик, фикр-мулоҳазаларидаги некбинлик ёруғ истиқболимиздан дарак. Булар — Президентимиз илгари сурган учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси рўёбининг қутлуғ нишоналаридир.

Шубҳасиз, уйғониш фаслининг фарзандлари — эртамизнинг ишончи, келажагимиз бунёдкорларидир. Бугун ислоҳотларга камарбаста бўлаётган, замон талабини англаган ва уларга жавоб беришга интилаётган, қалби бедор бу инсонлар ҳар биримизда фахр-ифтихор уйғотади. Қувонч ва ҳаяжон юракларни тўлқинлантириб, қўлга қалам тутади:

Фасллар ичида фасл кўп аъло,
Бир фасл бор бунда аммоки танҳо,
Умиду ишончи кўнгилларга жо,
У билан ҳамнафас бўлинг доимо,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Ҳавас уйғотади шижоатингиз,
Истеъдод, билиму маҳоратингиз,
Дунёни лол қилсин жасоратингиз,
Сўнмасин сира қалб ҳароратингиз,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Меҳнату заҳматда яшаб эрта кеч,
Кўрмадим бир лаҳза тинганингиз ҳеч,
Сиз мудом интилиш, иштиёққа эш,
Эҳтимол, шундадир ҳар ишингиз беш,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Хизматим шу Ватан, эл учун дейсиз,
Нурафшон ва порлоқ йўл учун дейсиз,
Баланд кўтарилган қўл учун дейсиз,
Юрак учун дейсиз, дил учун дейсиз,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Ахир мудраганнинг эртаси йўқ-ку,
На боши, охири, ўртаси йўқ-ку,
Юрт шонин иларга елкаси йўқ-ку,
Сиз эса ўктамсиз, дил тўла чўғ-ку,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Ўзга юрт бойлиги — кўринмас бир чанг,
Кўзингни алдайди кўнглингга солсанг,
Дейман, шу Ватанда яшангиз, толманг,
Биттангиз ҳам асло қатордан қолманг,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Ўзликнинг руҳи бор кенту воҳада,
Сиз жавлон урасиз барча жабҳада,
Илғор ва абжирсиз ҳар бир соҳада,
Ким қолмоқ истайди сиздан орқада?!
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Аждодлар уйғонмоқ йўриғин билган,
Сизга унинг илмин чин мерос қилган,
Турғазинг, кимки бор бунда қоқилган,
Замон бугун сиздай мардни соғинган,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Дунё минбарида юртим овози,
Чорлайди дилларга тинчлик ҳавосин,
Ортадир жаҳоннинг ишонч, ҳаваси,
Унга бахш этасиз илҳом нафасин,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Олға юринг доим шаҳд билан бирга,
Сергак туринг доим аҳд билан бирга,
Яшнанг, кулинг доим бахт билан бирга,
Юксалинг замону вақт билан бирга,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Бу замин, бу тупроқ эту тирноқдир,
Не-не заҳматларга асл гувоҳдир,
Уни сизга сийлаб берди бу тақдир,
Ишингиз диллашмоқ ва бирлашмоқдир,
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Ёруғ кунда эрта нишонаси бор,
Келажак умиди қалбларда пойдор,
Бирингиз бургутсиз, бирингиз-чи сор,
Мен эса дегайман такрор ва такрор:
Истиқлол нурининг дилбандларисиз,
Уйғониш фаслининг фарзандларисиз!

Ўткир РАҲМАТ.

ТАТУ жаҳоннинг энг нуфузли аккредитация ташкилоти — АВЕТ томонидан халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтган Ўзбекистондаги биринчи университет бўлди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 14 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН ВА МДҲ АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) билан ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, 2017 йилдан бошлаб давлатимизнинг ташқи сиёсатдаги очиқ ва мувозанатли ёндашуви туфайли Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги ҳамкорлиги сезиларли даражада фаоллашди.

Мушоҳада

Мамлакатимиз ушбу минтақавий бирлашманинг миллий манфаатларимизга тўлиқ мос келувчи 60 дан ортиқ йўналишлардаги тармоқ тузилмалари фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда. Ушбу кенг кўламли ҳамкорлик иқтисодий, сиёсий, хавфсизлик ва маданий-гуманитар соҳаларда ижобий натижаларга эришиш имконини бераётир.

Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши ушбу самарали ҳамкорликнинг яна бири далили бўлди. Айниқса, Президентимиз илгари сурган ташаббуслар мамлакатимизнинг минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришдаги тутган муҳим ўрни ва фаол позициясининг тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида глобал сиёсат ва иқтисодиётдаги кўплаб чақириқларга қарамай, МДҲ ўзининг барқарорлиги, самарадорлиги ва заврурий тузилма эканини намойиш этаётганини таъкидлаб, ўн йиллар давомида яратилган механизмлар ва йўлга қўйилган мулоқотлар туфайли иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалаларга оид барча жабҳалар бўйича яқин ҳамкорликда иш олиб борилаётганини қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбарининг “Биз МДҲ доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, табиий шерикларимиз бўлган мамлакатлар билан амалий ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишдан манфаатдормиз”, деган сўзлари Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан бўлган муносабатларидаги ўзгармас ва очиқ позициясини ифодалайди.

Иқтисодий ҳамкорлик МДҲнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда ва саммитдаги муҳокамаларнинг марказий масалаларидан бири бўлди. Чунки Ўзбекистон МДҲ давлатлари билан кенг кўламли иқтисодий ҳамкорликни ўрнатган ва бу йўналишдаги шериклик йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Масалан, МДҲ давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 2025 йилнинг январь — август ойларида деярли 17 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,3 фоизга ўсди. Экспорт 18, импорт эса 8,8 фоизга ошди. Бу кўрсаткичларнинг ўсиб бориши тармоқлараро кооперациянинг чуқурлашаётгани ва ўзаро инвестициялар оқимининг кўпайиши билан изоҳланади. Жумладан, ўтган даврда МДҲ давлатларидан келган сармоя иштирокида саккиз юздан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди.

Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган саммит доирасида Президентимиз ҳамкорликни янада ривожлантириш учун бир қатор амалий таклифларни илгари сурди. Хусусан, алоҳида товарлар, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш жараёнидаги тартиб-таомилларни ва талабларни янада соддалаштириш, миллий бозорларга кириш имкониятларини кенгайтириш, бу йўналишда давлат харидларида иштирок этиш таклиф қилинди. Шунингдек, МДҲ Иқтисодий Кенгаши доирасида техник тўсиқлар ва мувофиқликни баҳолашга оид ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги битимлар лойиҳаларини келишиш борасидаги ишларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ эканига эътибор қаратилди.

Кенг кўламли қўшма энергетика лойиҳаларини амалга ошириш бўйича илгари сурилган таклифлар Ҳамдўстлик давлатларининг энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлайди, саноатни модернизациялаш учун шарт-шароит яратади, узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилади.

Минтақавий хавфсизлик масалалари, айниқса, Афғонистондаги вазият саммитда алоҳида эътибор қаратилган масала бўлди. Президентимиз ташқи сиёсий идоралар ва махсус хизматлар ўртасидаги тизимли алоқаларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлади. Афғонистон мавзусида аниқ ва очиқ позицияни баён қилди: Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг қатъий тарафдори. Шу муносабат билан мазкур мамлакатда йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда иштирок этиш имкониятларини кўриб чиқиш таклифи илгари сурилди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонинг МДҲ доирасида қисқа муддат ичида янги формациядаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Биргина мисол, Президентимизнинг 2017 — 2024 йиллар мобайнидаги МДҲ давлат раҳбарлари саммитларида илгари сурган юзга яқин таклифлари “йўл хариталари” шаклида амалга оширилди, саксондан ортиқ ташаббуслар тўлиқ ҳаётга татбиқ этилди. Президентимиз яхши қўшничилик, кўп қирали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти — МДҲ Фахрий нишони билан тақдирлангани ҳам фикримизнинг исботидир.

Шубҳасиз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконидаги ўзаро фойдали ҳамда барқарор ҳамкорлик Ўзбекистон ва унинг шерикларининг тараққиёти, хавфсизлиги ҳамда барқарорлигига замин яратади. Мамлакатимизнинг фаол, очиқ ва ижобий позицияси Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама муносабатларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда ва унинг ташаббуслари доимий равишда қўллаб-қувватланмоқда.

Умид ЯКУБХОДЖАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

16 октябрь — Жаҳон озиқ-овқат куни

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Октябрь ойининг ўн олтинчи санаси БМТ тақвимидаги муҳим кунлардан бири ҳисобланади. Яъни 1980 йил 5 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 35-сессиясида маъқулланган резолюцияга мувофиқ, бу сана “Жаҳон озиқ-овқат куни” деб эълон қилинган. Шундан буён ташкилотга аъзо давлатлар мазкур тақвимга алоҳида эътибор қаратиб, озиқ-овқат саноатидаги энг муҳим масалалар муҳокама этилади, ушбу йўналишдаги вазифалар белгилаб олинади.

Ўзбекистонда ҳам Жаҳон озиқ-овқат куни кенг нишонлаб келинмоқда. Зеро, бугунги замонда озиқ-овқат хавфсизлиги глобал миқёсдаги энг долзарб муаммолардан бирига айланган.

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Биокимё институтида ушбу санада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мазкур йўналишда юртимиз ва хорижда амалга оширилаётган, илгари сурилаётган ташаббусларни муҳокама қилиш учун халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш эзгу анъанага айланган. Ҳар йили ушбу анжуманда нуфузли хорижий ҳамда республикамиздаги етакчи олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва ёш тадқиқотчилар фаол иштирок этиб келмоқда.

Бу йил “Озиқ-овқат хавфсизлиги: глобал ва миллий муаммолар” мавзуида еттинчи марта ўтказиладиган илмий-амалий халқаро анжуман ҳам БМТ Бош Ассамблеясининг озиқ-овқатлар сифатига қўйган талаблари ижросига ҳамоҳангликда, юқори савияда бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Таъкидлаш керакки, юртимизда доривор ўсимликлар, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини муттасил равишда кўпайтириш соҳадаги энг устувор вазифа қилиб белгиланган. Президентимизнинг 2022 йил 10 сентябрдаги “Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқмоқда. Негаки, ушбу ҳужжат асосида аҳолига ер ажратиш механизмлари ишлаб чиқилиб, амалиётга қаратилди. Бу, ўз навбатида, аграр соҳада аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг даромадини ошириш баробарида, “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойили бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистонда нафақат озиқ-овқат ёки қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда, балки фармацевтика саноати учун доривор ўсимликлар парваришлашда интенсив усуллар қўлланиб, ҳосилдор навлар, доривор гиёҳни интродукция қилиш ишлари жадаллашди. Бунинг ҳисобига хорижий селекцияга мансуб навлар импортига қаратилган инвестиция маблағлари жалб этилиб, юқори сифатли озиқ-овқат ва рақобатбардош фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кундан-кунга ортиб бормоқда.

Сир эмас, айни пайтда бутун дунёда сифатли озиқ-овқат ва фитофармацевтик маҳсулотлар хавфсизлиги масаласи тобора ўткирлашиб боряпти. Сабаби, озиқ-овқат ва доривор ўсимликларни акклиматизация ҳамда интродукция қилмасдан туриб, табиатнинг ўзидан йиғиб-териб фойдаланиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бу эса нодир ҳамда камёб ўсимликлар ареаллари тобора қисқаришига ва табиатдан йўқолиб кетишига олиб келаётгани, айниқса, ташвишланарлидир.

Шу билан бирга, иқлимнинг кескин ўзгариши оқибатида рўй бераётган экологик инқирозлар, сув танқислиги, тупроқлар деградацияси, шўрланиши, эрозияси, қурғоқчилик каби омиллар таъсири вазиятни янада мураккаблаштириб юбормоқда. Охирги йилларда жаҳон бозорида сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиш тенденцияси сақланиб турибди. Бу ҳолат соҳани янги инновацион технологиялар ҳамда илмий ютуқларни қўллаш орқали тубдан ривожлантиришни тақозо этади.

Жорий йилда еттинчи маротаба ўтказиладиган конференцияга соҳадаги шу каби долзарб муаммолар ечимига қаратилган 500 га яқин илмий мақолалар келиб тушган. Уларда, асосан, биохилмахиллик — озиқ овқат хавфсизлигининг муҳим омили эканлигига, унинг барқарорлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг физиологик, биокимёвий ва агротехнологик асосларига, озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини сақлашда замонавий биотехнологиялардан фойдаланиш ва генетика ютуқларини қўллашнинг аҳамиятли томонларига эътибор қаратилган. Шу боис анжуманда ўсимликларнинг биологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган муҳим масалалар батафсил муҳокама қилиниши кутилмоқда.

Анжуман доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун истиқболда амалга ошириш лозим бўлган бир қатор муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Экологик тоза маҳсулот етиштиришда органик деҳқончилик тизимини кенг қўллаш орқали жаҳон бозорига озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ чиқаришга эришиш; қурғоқчил минтақаларда кам сув талаб этилувчи экинларни табиий ресурслар ичидан танлаб жорий қилиш ва бунда сувни тежаш масаласининг устуворлигини таъминлаш; мева-сабзавот экинлари етиштиришга ихтисослаштирилган кластерлар тизимида агрологистик тармоқ ва маркетинг тизимини шакллантириш, етиштирилган маҳсулотни сақлаш, иссиқхона полизчилиги учун мос келувчи қовун ва тарвуз навларини яратиш, танлаш, агротехникасини ишлаб чиқиш; сифатли озиқ-овқат ва табиий дори-дармон етиштириш бўйича керакли мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислоҳ қилиш, илмий услубий таъминот масалаларини жиддий кучайтириш шулар жумласидан.

Бу галги халқаро конференцияда АҚШ, Польша, Россия, Германия, Сербия, Италия, Покистон, Қирғизистон, Ҳиндистон, Туркия, Австралия ҳамда Тожикистон каби давлатлардан 20 дан ортиқ хорижлик олимлар иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, республикамизнинг соҳага оид 30 дан зиёд ташкилотларидан 300 га яқин мутахассислар озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича бугунги кундаги долзарб масалалар ва уларнинг истиқболли ечимларига қаратилган маърузалари билан қатнашади.

Нуфузли анжуман дастуридан хорижлик олимлар ва меҳмонларнинг Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳамда Биокимё институти кампуси, музейлари, лабораторияларига, шунингдек, Самарқанд шаҳрининг тарихий маданий ёдгорликларига ташрифи ҳам жой олган.

Самарқанд шаҳрида “Озиқ-овқат хавфсизлиги: глобал ва миллий муаммолар” мавзуида еттинчи маротаба ўтказиладиган бу йилги халқаро анжуман озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ҳозирги глобал иқлим ўзгариши шароитида сифатли қишлоқ хўжалиги экинлари ва доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмини ошириш бўйича зарур таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш учун муҳим илмий мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Бакриддин ЗАРИПОВ,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, академик.
Сирожиддин ЎРОҚОВ,
шу университетнинг Биокимё институти директори.
Бўстон ИСЛОМОВ,
шу университетнинг Ботаника кафедраси доценти.

БИРДАМЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

турк дунёси давлатларининг мавқеини янада мустаҳкамлайди

Ўтган ҳафтада Озарбайжоннинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити дунё ҳамжамиятининг эътибор марказида бўлди. Зеро, бугунги глобаллашув замони сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир халқни, айниқса, кескин геосиёсий зиддиятлар, глобал иқтисодий инқироз ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари билан боғлиқ мураккаб синовларни бошидан кечираётган барча давлатларнинг бирлашишини тақозо этади.

Нуқтаи назар

Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йили Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида тўхталаркан, “Ҳозирги таҳликали вазиятда энг долзарб муаммолар ечими бўйича давлатларимиз умумий ёндашувларни белгилаб олиши, саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириши ниҳоятда муҳимдир. Биз ҳар қандай қийинчиликларни дўстлик, ҳамкорлик ва бир-биримизни қўллаб-қувватлаш орқали енгиб ўтишга қодирмиз”, дея таъкидлаган эди.

Бирлашишга замин ҳозирлаган давр

“Барча замонларда инсон ўзини тарихий бурилиш даврида яшаяпман, деб ҳисоблаган. Тараққиёт нуқтаи назаридан у муайян даражада тўғри тахмин қилади. Лекин шундай пайтлар бўладики, бу эврилиш таассуроти янада кучлироқ ва айниқса, ўринлироқ хусусият касб этади”, деб ёзган эди француз олими ҳамда мутафаккири Пьер Тейяр де Шарден.

Ушбу иқтибосни бугунги кун воқелигига муқояса этсак, инсоният мисли кўрилмаган шиддатдаги тараққиёт жараёнларини бошдан кечирмоқда. Фан ва илмий-техник инқилоблар, барча жабҳалардаги юксак технологиялар билан бирга инсоният мавжудлигига таҳдид солувчи глобал иқлим ўзгариши, атмосфера ҳамда атроф-муҳитнинг тўхтовсиз ифлосланиши, оммавий миграция жараёнлари, ишсизлик хуружлари ҳамда анъанавий қадриятларнинг қадрсизланиши ва ниҳоят, муросасиз манфаатлар тўқнашуви турли мамлакатлар ҳамда халқларни бирлашишга замин ҳозирлади. Бунга дунё тузилишининг янги модели устидаги тортишув ҳамда курашларни қўшадиган бўлсак, қатор халқаро ташкилотларнинг юзага келиши ўз-ўзидан эмаслиги янада ойдинлашади.

Шу жиҳатдан, Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг вужудга келиши тарихини оладиган бўлсак, у халқаро муносабатларда ягона илдизга эга мамлакатлар ва халқларнинг улкан воқелиги, деган таърифга муносиб. Зеро, мазкур ташкилотнинг пойдевори XX асрнинг 90-йилларида қўйилган бўлса-да, ўзаро ҳамкорлик ришталари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мазкур ташкилотга аъзо давлатларнинг Евроосиёдаги сиёсий, иқтисодий, маданий мавқеи ва аҳамияти чегарадош мамлакатлар, минтақалар билан алоқалари чуқур илдизларга эга бўлиб, стратегик аҳамияти билан рақобатдаги кучларни доимо хавотирга солиб турган. Яъни ташкилотга аъзо давлатларнинг асосий қисми жойлашган Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий аҳамияти туфайли турли кучларнинг манфаатлар тўқнашуви майдони сифатида кўрилган. Боиси Марказий Осиё қадим-қадимдан Шарқ ва Ғарбни боғловчи асосий нуқта бўлиб, ушбу нуқтада нафақат савдо-сотиқ, балки билим, тафаккур ва цивилизациялар кесишган.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ўтган асрнинг 90-йилларига қадар турк дунёсининг бир қатор давлатлари ва халқлари собиқ иттифоқ қарамлигида мустамлака бўлиб, кейинчалик истиқлолга эришгач ҳам минтақадан ташқаридаги кучларнинг таъсир доирасида қолишга мажбурланди. Тинчлик ва осойишталикда беқарорлик сақланиб, иқтисодий ҳамкорлик турли йўллар билан жиловланиб турилди. Бу ўз-ўзидан халқаро сиёсатнинг янги субъектлари ўртасида ҳамкорликни туркий ўзлик асосида кучайтириш мақсадида янги платформа заруратини юзага келтирди.

1992 йилнинг 30 октябрь куни Анқарада илк бор туркий тилли давлатлар раҳбарларининг саммити ўтказилди. Мазкур учрашувда туркий давлатлар ташкилоти учун тамал тоши қўйилди.

1992 — 2006 йиллар оралиғида туркий тилли давлатлар раҳбарларининг жами 10 та саммити ўтказилиб, улар, асосан, маслаҳатлашув таснифига эга эди. Сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган мунтазам фаолият юритувчи, ўз котибиятига эга халқаро ташкилот тузиш йўлида 2009 йил дадил қадам ташланди. Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Туркий кенгаш)ни ташкил

этди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий кенгашнинг VI саммитида фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Орадан бир йил ўтиб, Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди ва шу билан ташкилотнинг тўлақонли аъзосига айланди.

Кун тартибида — ҳамкорликни ривожлантириш

Ўзбекистоннинг Туркий кенгашга қўшилиши мазкур тузилманинг нуфузи ва аъзолари ўртасидаги интеграциянинг кучайишини таъминлади. Натижада 2021 йил Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган VIII саммитда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг номи Туркий давлатлар ташкилотига ўзгартирилди.

Қисқа фурсатда Ўзбекистон ташкилотни модернизация қилиш жараёнининг асосий ташаббускорларидан бирига айланиб, айнан мамлакатимизнинг аъзолиги ортидан тузилма ичида динамик ўзгаришлар юз берди. Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган 2022 йилги саммитда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган қатор ташаббуслар маъқулланди. “Самарқанд декларацияси”, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ТДТ стратегияси, шунингдек, “Туркий дунё нигоҳи — 2040” концепцияси шулар жумласидандир. Улар иқтисодиёт, транспорт, рақамлаштириш, таълим, фан, “яшил” энергетика ва маданият каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришда кун тартибини белгилаб берди.

Ташкилот қароргоҳи Истанбул шаҳрида жойлашган бўлиб, у аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақада тинчликни таъминлаш, ташқи сиёсат масалалари бўйича умумий позицияларни қабул қилади ҳамда савдо ва инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш кабилар ушбу тузилманинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Шунингдек, туркий давлатлар етакчилари 2021 йили умумий консенсус асосида қабул қилган қарор маслаҳатлашув форматидаги тузилмани тўлақонли халқаро институтга айлантирди. У Давлат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Юқори мансабдор шахслар қўмитаси ва Оқсоқоллар кенгашидан иборатдир. Ташкилот котибияти эса юқоридагиларни мувофиқлаштириш учун зарур маъмурий, ташкилий ва техник чораларни кўради, ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади.

Ўзбекистон ташкилотга раислик қилган 2022-2023 йилларда Туркий инвестиция жамғармаси ташкил этилди. У аъзо давлатлардаги қўшма саноат ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштирадиган илк молиявий институт бўлди. Бундан ташқари, савдо ва транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда Ўрта (Транскаспий) транспорт йўлагини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур лойиҳа Осиё ва Европа ўртасидаги энг қисқа ҳамда хавфсиз йўл сифатида ТДТ учун стратегик мақсадга айланди.

Ўзаро муносабатларнинг стратегик босқичи

Бугунги кунда минтақавий ва халқаро миқёсда туркий давлатлар ўртасидаги алоқалар глобал чақириқлар асосида мустаҳкамланиб, стратегик босқичга кўтарилмоқда. Бунга Туркий давлатлар ташкилоти доирасида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар ҳамкорликнинг изчил тараққиёти яққол мисолдир. Аниқ рақамларга мурожаат қилсак, 2016 йилда Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3,34 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2024 йилда эса бу рақам қарийб 45 млрд. долларга тенг бўлди. Бундай ютуқларни ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кузатиш мумкин.

Президентимизнинг Озарбайжоннинг Габала шаҳрида “Минтақавий тинчлик ва хавфсизлик” мавзуида бўлиб ўтган саммитдаги нутқи ана шу йўналишдаги ишларга янги суръат, мазмун ва стратегик руҳ бағишлади.

Хусусан, нутқда дунёда юзага келган мураккаб геосиёсий вазиятга эътибор қаратилиб, тинчлик, хавфсизлик ва адолат сингари умуминсоний қадриятлар жиддий синовлар қаршисида турганлиги, Ғазо секторидаги фожиа, Украинадаги уруш, Афғонистон муаммоси ва бошқа низолар ўша минтақалардаги халқлар ҳаётини издан чиқарибгина қолмай, туркий давлатларнинг хавфсизлигига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги таъкидланди. Шу боис туркий давлатлар ҳамжиҳатликда хавфсизлик, терроризмга қарши кураш, экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш, ташқи сиёсатда мувофиқлашган ёндашувларни ишлаб чиқиши зарурлиги ташаббуси илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг қисқа вақт ичида нуфузли халқаро тузилмага айланганини алоҳида қайд этиб, мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ишончнинг мустаҳкамланиши, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайиши, гуманитар алоқаларнинг янада жадаллашуви йўлида бир қатор таклифларни ўртага сурди. Хусусан, бу жараёнларни институционал асосда мустаҳкамлаш мақсадида стратегик муҳим шартномалар, хусусан, Стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги битимни имзолаш таклифларини билдирди. Шунингдек, 2030 йилгача мўлжалланган ривожланиш стратегияси ва аниқ “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклиф этилиб, бу ташкилот фаолиятини тизимлаштириш ва унинг амалиётдаги самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқида туркий давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янги поғонага кўтариш энг муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилиб, янги иқтисодий имкониятлар маконини яратиш, савдо ва инвестиция муҳитини яхшилаш, саноат кооперациясини кучайтириш каби ташаббуслар илгари сурилди. Туркий давлатлар иқтисодий кенгашини тузиш, унинг лойиҳа офисини Тошкентда жойлаштириш, Саноат альянси, “Туркий яшил йўлаклар” тизимини жорий қилиш, “яшил” энергетика ва трансформация консорциуми тузиш таклифларини берди. Ушбу ташаббуслар туркий давлатлар саноати ва энергетикасида узвий интеграцияни кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг “хомашё — қайта ишлаш — илм-фан — маҳсулот” занжири асосидаги ҳамкорлик моделини жорий этиш ғояси стратегик ёндашув сифатида алоҳида эътиборга молик.

Яқин истиқболдаги тараққиёт йўналишлари

Давлатимиз раҳбарининг Габала саммитидаги нутқида бутун туркий дунёнинг яқин истиқболдаги тараққиёт йўналишларини белгилаб берадиган кенг қамровли таклифлар илгари сурилди. Халқаро вазиятга реал баҳо берилиб, хавфсизлик соҳасидаги таҳдидларга нисбатан аниқ ечимлар, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, таълим, фан, маданият ва ёшлар сиёсатидаги устувор йўналишлар ўртага ташланди.

Чунончи, ёшлар орасида “оммавий маданият” кўринишидаги радикал мафкуралар тарқалишининг олдини олиш, исломофобияга қарши кураш, экологик билимларни кенгайтириш шулар жумласидан. Кези келганда таъкидлаш жоиз, мазкур муаммолар нафақат туркий олам, балки бутун тараққийпарвар инсониятни таҳликада ушлаб турибди. Шу боис Президентимиз “Жаҳолатга қарши — маърифат” тамойили асосида бир қатор таклифларни илгари суриб, буюк мутафаккирлар Алишер Навоий ва Низомий Ганжавийнинг юбилейлари муносабати билан халқаро конференция ўтказиш таклифини билдирди. Бу туркий маънавий бирлик ва умуминсоний қадриятларни улуғлаш йўлида улкан тарихий қадам бўлади, десак, муболаға эмас.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқидан ўрин олган таклифлар амалдаги ҳамкорликни қўшма лойиҳалар орқали рўёбини таъминлайдиган туркий бирликни шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, иқтисодий ҳамкорликни институционаллаштириш, транспорт коридорларини ривожлантириш, янги технологиялар ва “яшил” иқтисодиёт соҳаларидаги интеграция ташаббуслари яқин истиқболда ташкилотнинг дунё миқёсида ўз таъсирига эга бўлишини таъминлайди. Ва умуман, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ғоялар ва қабул қилинган қарорлар Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги босқичга олиб чиқибгина қолмай, жаҳон ҳамжамиятида туркий мамлакатларнинг манфаатларини таъминлаб, ишончли ҳамкор сифатидаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Муҳиддин КАЛОНОВ,
Навоий давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Стартап экотизими ўсиши тезлиги бўйича дунёда етакчи эканлиги эътироф этилди.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

Тиббиёт

Ҳамшира деганда кўз ўнгимизда қўли енгил, сўзи малҳам, ҳар қандай вазиятда беморга беминнат кўмак беришга тайёр фидойи касб эгалари келади. Беморни ўз яқинидек парваришлаб, ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажарадиган кичик тиббиёт ходимлари халқимиз саломатлигининг таянчларидир.

ҚЎЛИ ЕНГИЛ ҲАМШИРАЛАР

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган қатор Фармон ва қарорларда ҳамширалик ишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас. Марказий шифохоналардан тортиб, олис ҳудудлардаги оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктларигача тиббий маслаҳат ёки кўмак сўраб келганларга дастлаб пешвоз чиқадиганлар ҳам ҳамширалар.

— Қорақалпоғистонда 19 мингдан ортиқ кичик тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Мурод Қурбонов. — Инсон саломатлиги учун шифокор масъул бўлса, уларнинг энг яқин кўмакдоши саналадиган ҳамширларнинг меҳнати ҳам улардан кам эмас.

Яхши ҳамшира худди шахматчига ўхшайди. Ҳамма нарсани олдиндан кўра олади. Унинг нажотбахш қўллари ҳамиша саломатлик келтиради.

— Ўзим ва турмуш ўртоғим қандли диабет боис тез-тез шифохоналарда даволаниб турамиз, — дейди мўйноқлик Мақсет ота Жақсимуратов. — Бу сафар академик Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон филиалига келдик. Саломатлигимиз тикланишида тиббиёт ходимларининг хизмати беқиёс. Ўз вақтида даво муолажаларини бажарган моҳир ҳамширалар Лиза Бердибаева, Сапаргул Эсбергенова, Индира Қурбониязова, бош ҳамшира Ойсулув Айтуғоновадан миннатдормиз.

Тиббиёт ходимлари учун ёзилмаган бир қоида бор: шифохонага келган ҳар қандай бемор, албатта, тор доирадаги шифокорлар назоратидан ўтказилади. Агар беморнинг аҳволи оғир бўлса, барча бирдек оёққа туради. Айниқса, бунда ҳамшира-лаборантларнинг тезкор ҳаракати муҳим аҳамиятга эга.

Кегейли туманида туғилган Гулчеҳра Менглимуратова болалигидан тиббиёт ходими бўлишни орзу қилган. У мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 2-сонли Нукус тиббиёт билим юртида таҳсил олди. Мазкур билим юртини муваффақиятли тамомлаб, Нукус шаҳридаги 2-сонли поликлиникада ҳамшира-лаборант сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. 2005 йилда Амударё туман тиббиёт бирлашмаси ҳузуридаги қон-диагностика маркази клиник лабораториясида лаборант, 2012 йилдан буён клиник лабораториянинг катта ҳамшира-лаборанти сифатида фаолият олиб бормоқда.

— Беморнинг аҳволи яхши томонга ўзгариши, унинг қисқа фурсатда соғайиб оиласи бағрига қайтиши, аввало, клиник лаборатория ҳамширасининг қон таҳлилини аниқ ва тўғри ташхисига боғлиқ, — дейди Г. Менглимуратова. — Клиник лабораториямизда ходимларнинг кундалик иш жараёнини қатъий назорат асосида ташкил этиш, юқори касбий малакага эга ҳамшира-лаборантларнинг тажрибаларини “Устоз — шогирд” анъанаси асосида ёш мутахассисларга ўргатиш тизими жорий қилинган.

Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 10-оилавий поликлиникаси “Телеорай” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 21 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ушбу муассасада фидойилик билан меҳнат қилаётган Зауре Матниёзова ўттиз йиллик тажрибага эга ҳамшира.

— Патронаж ҳамшира сифатида доим халқ ичидаман, — дейди Зауре Матниёзова. — Ҳамкасбларим билан аҳоли орасида юриб, улар билан юзма-юз мулоқот қиламиз. Юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари олиб борамиз. Аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга ўз ҳиссамни қўшиб келаётганимдан мамнунман.

Оролбўйида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келаётган ўз касбига садоқатли, эътирофга лойиқ ҳамширалар кўп. Ўз ишининг устаси, эпчил ва зукко ҳамширалларнинг қўллари дард кўрмасин деб қоламиз!

Гайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Омилкорлик

Ўтган асрнинг 90-йилларида Тошҳовуз маҳалласига биринчилардан бўлиб икки ўғлини кўчириб келган Аҳмаджон Исмоилов тадбиркорликни орзу қилганди. Орадан ўттиз беш йил ўтиб, фахрий устознинг орзуси ушалди. Бугун 81 ёшли отахоннинг фарзандлари нафақат Ёзёвон, балки Фарғона водийсида цитрус мевалари, ундан тайёрланадиган табиий шарбатлари билан тилга тушган.

ЛИМОНЧИЛИКДА ЁЗЁВОН ПЕШҚАДАМ

— Хонадонимиз томорқасида лимон етиштиришга мўлжалланган иссиқхона ташкил этиб, илк ҳосилни қўшни Марғилон бозорида сотиб келганмиз, — дейди миришкор оила соҳиби Аҳмаджон ота. — Орадан йиллар ўтиб Ёзёвон тумани вилоятда лимончилик соҳасида энг илғор ҳудудга айланди.

Айни пайтда ушбу оила томорқасидаги 30 сотихли иссиқхонада, асосан, лимон парваришланади. Бундан ташқари, мандарин, апельсин, банан, киви сингари цитрус мевалар етиштирилмоқда. Тиниб-тинчимас отахон маҳаллада цитрус мевалар етиштириш тажрибаси оммалашишида ҳам асосий ташаббускорлардан бири ҳисобланади.

— Ҳудудимизда 1213 та оилада 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Тошҳовуз” МФЙ раиси Усмонхон Мусаев. — Ҳозирда 150 га яқин хонадонлар томорқаларидаги иссиқхоналарда лимон етиштирилади. Қолаверса, кейинги йилларда апельсин, мандарин, банан, киви сингари бошқа цитрус кўчатлар парваришлаётган оилалар сафи тобора кўпаймоқда. Ёғочни қайта ишлаш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштириш, қадоқлаш ва сақлаш учун турли ҳажмдаги қутилар тайёрлаш маҳалланинг яна бир драйвери саналади. Яқин келажакда шу ернинг ўзида мамлакатимиз бўйлаб етказиб бериш ва экспортга йўналтириш мақсадида цитрус мевалар улгуржи бозорига асос солишни мақсад қилганмиз.

Яқинда Зарбдор тажрибаси асосида Фарғона водийси ҳудудларини ўзаро боғловчи маҳалладан ўтган катта йўл бўйидаги очиқ мелиорация зовурини ёпиқ зовурга ўтказиш лойиҳаси ишга туширилиши билан янги 35 та хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилди. Натижада 70 та янги иш ўрни яратилди. Бу орқали маҳаллий бюджетга ҳар йили қўшимча 150 млн. сўмдан ортиқ маблағ тушиши таъминланади. Хизмат кўрсатиш ҳажмига ўртача 1,5 млрд. сўм қўшилишига эришилади.

Қувонарлиси, бу лойиҳа вилоятда биринчи бўлиб мазкур маҳаллада татбиқ этилмоқда. Маҳалла оқсоқоли Аҳмаджон Исмоилов биринчилар қаторида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, табиий усулда тайёрланадиган цитрус мевалар шарбати савдосини бошлади. Тадбиркор Улуғбек Содиқов эса Ёзёвонсой бўйидаги ташландиқ жойда миллий услубда дам олиш маскани бунёд этди. Шу тариқа янги лойиҳа доирасида бирин-кетин замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушмоқда.

Истиқболли лойиҳа ижроси доирасида дастлаб 500 метр очиқ зовурга захни тортувчи фильтрли қувурлар кўмилди. Канализация тармоғи учун 6 та қўшимча қудуқ ўрнатилди. Бугунги кунда 500 метр ёпиқ зовурга ўтказилган ҳудудда 25 та енгил типдаги савдо дўкони қуриб битказилди. Уларга “сендвич-панел”лар ва ойналар ўрнатилиб, хизмат кўрсатиш объектлари тўлиқ жиҳозланди. Ва белгиланган талаблар асосида тадбиркорларга ижара шартномалари асосида берилди.

Давлат бюджетидан ажратилган 1 млрд. 200 млн. сўм маблағ эвазига эндиликда электр тармоғи тортиш, трансформатор ва кўча чироқлари ўрнатиш, бетон ариқ, пиёдалар йўлаги қуриш, яшил макон барпо этиш ва ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Тошҳовуз маҳалласи эндиликда тадбиркорлик, бизнес ғоялар ва лойиҳалар марказига айланиб, барчанинг ҳавасини келтираётгани рост.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТГАН «АНДИЖОН ПОЛЬКАСИ»

Тингловчиларни рақсга чорловчи — “Андижон полькаси” юртимиздан ташқарида ҳам машҳур. Аммо ушбу куйнинг муаллифи халқимиз орасида “Ориф гармон” номи билан машҳур созанда ва бастакор Орифжон Тошматов эканини кўпчилик билмаса керак.

Ғурур

Маълумки, гармон сози асрлар давомида, асосан, Хоразм воҳаси мусиқий ҳаётида етакчи ўрин тутган. Андижонда эса бу создан фойдаланиш анъанаси бўлмаган. Орифжон Тошматов гармон чалишни ўз тоғасидан ўрганиб, унинг сирларини пухта ўзлаштирди. Илк бор Андижондаги концерт дастурларида ижро этди. Гармон овозининг ўзига хос жозибаси, янги нафас билан янграши томошабинларни ҳайратга солди. Шундан кейин бастакорни ҳамма “Ориф гармон” дея атай бошлади.

Андижон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи (ҳозирги Алишер Навоий номидаги боғ) ҳар куни оқшом чоғи шинавандалар билан гавжум бўларди. Саҳнада куй ва қўшиқлар янграр, аммо уларнинг кўпчилиги хориж мусиқаларига мослаштирилгани сезилиб турарди. Буларни тинглаб Ориф гармон ўйланиб қолади: “Нега бизда барча имконият бўла туриб, ўз куйимиз йўқ? Биз ўз юртимиз оҳангини яратмаймиз?”

Шу иштиёқ билан у янги, шўх ва халқ руҳини ифода этувчи куй басталади. 1922 йилда у биринчи марта айнан шу боғ саҳнасида янгради. Унга “Андижон полькаси” номи берилди. Куйнинг оҳанги шунчалик таъсирли чиқадики, қисқа вақтда нафақат мамлакат бўйлаб, балки қўшни давлатларда ҳам кенг тарқалди. “Андижон полькаси” халқ қалбидан жой олгач, тез орада рақс кўринишида ҳам ишланди. 1957 йилда шу номдаги рақс ансамбли ташкил этилади. Бу жамоа қисқа фурсатда Москва, Киев, Боку, Минск ва Тбилисида бўлган маданият кунларида “Андижон полькаси” билан иштирок этиб, томошабинлар қалбини забт этди. Шу тариқа ушбу куй ва рақс ўзбек санъатининг хазиналаридан бирига айланди.

Самарқандлик саёҳатчи Отабек Исмоилов Грузияга сафари чоғида қизиқ воқеага дуч келганини ҳикоя қилади: “Биз Грузияда юрганимизда тасодифан “Андижанская полька” деб ёзилган ресторанни кўриб қолдик. Табиийки, бу ўзбекистонликларга тегишли ресторан, деб ўйладик. Аммо ишчи-ходимларнинг ҳаммаси грузинлардан иборат экан. Маълум бўлишича, бу ресторан анча йиллар олдин очилган бўлиб, ўша пайтларда “Андижон полькаси” куйи жуда машҳур бўлганидан шундай ном берилган. Ҳатто ҳозиргача ҳар кеча мижозлар унинг ижросига рақсга тушаркан...”

Бу воқеа миллий мусиқа маданиятимизнинг чегара билмас таъсирини яна бир бор кўрсатади.

2022 йилда “Андижон полькаси” яратилганига 100 йил тўлди. Шу муносабат билан Андижон вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан махсус “Андижон полькаси ойлиги” эълон қилинди. Ҳар йили ушбу куй асосида ўтказиладиган кўрик-танловларда минглаб ёшлар иштирок этмоқда. Улар гармон, доира, рубоб ва қўшиқ орқали ушбу маданий меросни замонавий ижрода қайта янгратишга ҳаракат қилишаётир.

“Андижон полькаси” халқ қалбидан чиққан, халқ билан бирга яшайдиган куйдир. У нафақат мусиқа, балки ўзликни англаш, миллий ғурур ва яратувчанлик рамзидир. Ўзбекистон заминида яратилган бу оҳангда халқнинг қувончи, меҳнат завқи ва ҳаётга муҳаббати мужассам.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

БУХОРОНИНГ 91 ЁШЛИ ГИД-ТАРЖИМОНИ

Бухоро шаҳрининг Абдурауф Фитрат номи билан аталувчи маҳалласида истиқомат қилаётган Бахшулла Рустамов 91 ёшда. Педагог, умрининг 50 йилини шаҳардаги 6-умумтаълим мактабида ўғил-қизларга тарих фанидан сабоқ бериш билан ўтказган.

Ибрат

— Баъзан туристик фирмалардан қўл телефони орқали боғланиб, “Шаҳримизга уч-тўрт кишидан иборат кичик бир сайёҳлар гуруҳи келди. Уларга гид-таржимонлик қилсангиз”, дея илтимос қилишади. Бундай пайтда “йўқ” демоқни ўзимга эп кўрмайман, — дейди Б. Рустамов. — Сайёҳларни шаҳримиз бўйлаб сайрга олиб чиқаман. Уларга ҳар бир ёдгорлик, унинг меъморий ечими, маҳаллий урф-одатлар, анъаналар ҳақида батафсил тушунтириб бераман.

Бахшулла ака ўзбек тилидан ташқари рус ва тожик тилларида равон гапиради. Тарихчи бўлгани боис, юртимиз, хусусан, Бухоро ўтмишини яхши билади. Ҳар бир осориатиқа ҳақида шундай берилиб сўзлайдики, уни тинглаган меҳмонда унутилмас таассурот қолади.

— Устоз меҳмонлар билан устахонамизга ташриф буюрганида бошимиз осмонга етади, — дейди таниқли зардўз, Ўзбекистон халқ устаси Бахшулла Жумаев. — 70 ёшга кирган бўлсам-да, бу мураббий олдида ўзимни ёш шогирддек ҳис этаман. У киши жуда ибратли ва серқирра ҳаёт йўлини босиб ўтган. Шундай улуғ устозлардан сабоқ олганимиз билан доимо фахрланамиз.

Дарҳақиқат, Бахшулла Рустамовнинг ҳаёти ёшларга ибрат. У турмуш ўртоғи, 87 ёшли Назира Рустамова билан 5 фарзанд, 15 неварани оқ ювиб, оқ тараган. Бу табаррук жуфтликнинг 32 нафар чевараси бор. Улар ҳам бобо-бувилари ортидан бориб, эл-юрт корига ярайдиган кишилар бўлиб етишади, албатта.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ХЎЖАКЎРСИН УЧУНМИ?

Замон тараққий этган сари электр энергиясига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Бунда эса муқобил энергия тизими, айниқса, қўл келмоқда.

Аслида ҳам, қуёш панеллари арзон ва экологик жиҳатдан соф маҳсулот ишлаб чиқариши билан ажралиб туради. Мазкур йўналишдаги ишларнинг тизимли ташкил этилиши натижасида Наманган вилоятидаги кўплаб истеъмолчилар қисқа муддатда ўзининг кичик станцияларига эга бўлди.

Очиқ гап

Биргина жорий йилда 2320 та объектда 44160 киловатт-соат қувватли воситалар ўрнатилди. Ижтимоий соҳа муассасалари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли хонадонларида янгиликни жорий этишга манфаатдорлик билан ёндашилаётганини кўриш мумкин. Чуст, Мингбулоқ, Чортоқ туманларидаги кўплаб таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, фермер хўжаликларида муқобил энергия воситалари ёрдамида ҳосил қилинаётган қувватнинг эҳтиёждан ортган қисми эса сотилмоқда.

Хўш, ҳар жиҳатдан қулай бўлган қуёш панеллари кутилган натижани беряптими? Уларни белгиланган технология талабларига мос равишда фойдаланишга топшириш ҳолати қандай?

Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Наманган вилояти бўлинмаси бир қатор ижтимоий соҳа объектларида танлов асосида мониторинг ўтказди. Ўрганилган дастлабки манзил — Давлатобод туманидаги сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабига бундан икки йил аввал 500 кВтлик қуёш панеллари ўрнатилганди. Лекин ундан кутилган натижага эришилмади.

— Панеллар тўлиқ комплектацияда ўрнатилган бўлишига қарамай, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қуввати пастлиги сабабли спорт мактаби эҳтиёжини қондира олмаяпти, — дейди спорт мактаби директори А. Усмонов. — Баъзи объектларда қурилмалар шошмашошарлик билан ўрнатиб кетилганлиги боис улар иш бермаяпти.

Худди шундай, вилоят марказидаги 5-умумтаълим мактабига ўтган йили 30 кВт кучга эга қуёш панеллари “Proxima energo” МЧЖ томонидан ўрнатилган. Ўшанда бутун жамоа хурсанд бўлганди, бироқ бу қувонч узоққа чўзилмади. Бошланишидаёқ етарли қувват бермаган қурилма ҳамон ишламаяпти — иммулятор қисми носоз. Мактаб раҳбарлари бу масалада шаҳар мактаб ва мактабгача таълим бўлими қошидаги қурилиш бўлимига қайта-қайта мурожаат қилишларига қарамай аҳвол ўша-ўша.

Ёки 17-умумтаълим мактабига ўрнатилган 30 кВтли қуёш панеллари бор-йўғи уч-тўрт ой қувват берган, холос. Пудратчи “Samobuild-14” масъулияти чекланган жамияти монтаж ишларини сифатсиз бажарган.

— Куз-қиш мавсумида ёмғир сувлари кириб қурилманинг автомат қисмларида қисқа туташувни юзага келтирди, — дейди ушбу ўқув муассасаси хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Х. Ашуров. — Оқибатда қуёш панелларидан фойдаланишнинг имконияти йўқолди.

Монтаж ишларидаги номукаммаллик туфайли Наманган шаҳридаги 3-давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам муқобил энергиядан фойдалана олмаяпти. Анчагина объектларда қуёш панеллари ишлаб чиқараётган қувватни сақлаб туришга мўлжалланган аккумуляторлар билан жиҳозланмаганлиги узлуксиз ток етказиб

берилиши ҳақидаги ваъдаларни пучга чиқаряпти.

— Бундан икки йил аввал ишга туширилган 20 кВтли қуёш панеллари ўзини оқламади, — дейди Янги Наманган тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 13-оилавий поликлиника бош шифокори И. Боймирзаев. — Қурилма умуман ишламади. Панелларни ўрнатган мутасадди ташкилотга бир неча бор қилган мурожаатимиз жавобсиз қолмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўп, масъулиятни унутган пудратчи ташкилот ишни сифатсиз бажарибди ёки комплектланмаган қурилмани ўрнатибди, дейлик. Лекин у фойдаланишга топширилган чоғда қабул қилиб олган буюртмачилар қаёққа қараяпти? Устига-устак пудратчиларнинг аввалига қуёш панелини роса мақтаб, чала ўрнатгани, кейин аниқланган носозликни бартараф этишдан қочиб юрганига нима дейиш мумкин?!

— Яхши ният билан ўрнатилган, аммо амалда ишламаётган бундай кичик фотоэлектрик қурилмалар Наманган шаҳридаги 39-ДМТТ, 2-оилавий поликлиника ва бошқа айрим муассасалар томида ҳам номигагина савлат тўкиб турганлиги кузатилди. Эссиз, давлатнинг уларга сарфлаган маблағи, — дейди “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят бўлинмаси раҳбари Наргиза Муҳаммадиева. — Бундай муносабат эндигина қулоч ёзаётган эзгу ишга бошқаларнинг ҳафсаласини совитмайди, деб ким кафолат бера олади?! Ишонамизки, шу сингари хўжакўрсинликка ҳуқуқий баҳо берилади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2026 йилда 3,5 млрд., 2027 йилда эса 4 млрд. АҚШ долларига етказиш режалаштирилган.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 14 октябрь

«МУҲАРРИР ИЛА МУАЛЛИМ МИЛЛАТНИНГ ИККИ ҚЎЛИДИР...»

Маърифатпарвар олим, журналист, таржимон Саидризо Ализоданинг Лоҳурдан 102 йиллик тарихга эга йигирма учта қўлёзмаси топилди...

Бундан анча йил олдин, аниқроғи, 1937 йил декабрда Самарқанд давлат университетида дарс бериб уйига қайтаётган Саидризо Ализодани қўлига кишан солиб олиб кетдилар... Агар Ализода аввал Самарқанд, кейин Тошкент, Тобольск, Владимир қамоқхоналарида сақланмаганда, у юртимизнинг чекка қишлоқларида мактаб очиб, муаллимлар учун алифбо ва дарсликлар ёзишда давом этган бўлардими? Бунга ишончимиз комил эмас, буни қамоқхоналарда ҳаёти тугаган таниқли ёзувчилар, олимлар ва ўқитувчиларнинг тақдири тасдиқлайди.

Миллат зиёлиси

Саккиз йил ҳибсхонада сақланган, махсус режимли камерада ётганига қарамай, Саидризо ўзининг айбсизлигини исботлаш учун юқори инстанцияларга тўрт юздан ортиқ мактуб ёзиб, фақат биргина саволга жавоб кутди: “Ҳеч бўлмаса, айбимни айтинг...” Оиласи ва дўстларига ёзган мактубларининг бирида у шундай дейди: *“Бир қишки ва ёзги кўйлак, ҳар хил турдаги енгил кийимлар, икки жуфт пайпоқ...”* Бу — сургундагиларга рухсат берилган нарсаларнинг кичик рўйхати. Ҳатто, болаларининг суратини сақлаш ҳам қатъиян ман этилганди. Русларга ўзбек тилини ўрганиш учун курс очган ношир, ўн битта дарслик ёзган муаллим, таниқли ёзувчиларнинг бир қанча асарларини ўзбек тилига, ўзбекча асарларни тожик тилига таржима қилган мутаржимнинг шунча азоб чекишига асос йўқ эди, лекин мана бу сўзларига тоқат қилишнинг иложи бўлмагандан қамоқхонада ушлаб турдилар: *“Шу ернинг обҳавосидан баҳраманд бўлиб, камол топсангу унинг шарафини ҳимоя қилмасанг, (она диёринг) оёқ ости бўлиши, қадрсизланишига йўл қўйсанг, нобакор ажнабий ўз ватани шоншавкати учун сенинг ота-боболарингнинг қони тўкилган ерингни ваҳшийларча топтаб, қонингни симирса ва уни ўзининг ахлатхонасига айлантирсаю сен ҳиссизларча қараб турсанг ёки ундан қочсанг, ўзинг унинг ғоратланишига кўмаклашсанг, унда сен бу Ватаннинг номусли ва содиқ фарзанди эмассан”.*

С. Ализоданинг Баҳлул, Замбур, Ранжбар, Боғишамолий, Шапалоқ, С.А. каби тахаллуслар остида “Камбағаллар ўқи”, “Ҳуррият”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Бухорои Шариф” газеталарида чоп этилган танқидий мақолалари, фельетонлари ҳам жазо муддатини енгиллаштиришга, қандай далил, факт келтирмасин, оқланишига йўл бермади. Аммо “халқ душмани” тамғаси билан қамоқхонада ётганида ҳам унинг дарсликларини мактабда болалар ўқишди.

“Махфий” деб белгиланган 27877-сонли шахсий файл остида маҳбус Саидризо Ализода иши 1938 йилдан 1945 йилгача олиб борилди. Терговлар, қийноқлардан чарчаган Ализода умидсизликка тушмади, адолат қарор топишига ишонарди. Жазо муддати тугаганига қарамай, сил касаллигига чалинган маҳкумни сўнгги нафасигача озод қилишни хоҳламадилар. Ва... Саидризо Ализода 1945 йил 24 декабрда Владимир қамоқхонасида вафот этди.

— Орадан йигирма йил ўтиб, бобомнинг оқланганини билдик, — дейди маърифатпарварнинг набираси Фарҳод Ализода. — Владимир қамоқхонасига йўл олдим. Қамоқхона бошлиғи ўттиз икки йил очилмаган 27877-рақамли ишни қўлимга тутқазди. Папкани очганим заҳоти бобомнинг мунгли кўзлари қоқ суяк юзига чуқур ботган сурати чиқди. Болалигимда ота-онамга қўшилиб терговларга, ҳибсхоналарга борганман, лекин бобомни бундай аянчли ҳолатда илк бор кўришим эди. Кейин кўпчиликка қўйилган бир хил қолипдаги айбларни ўқидим. Мана, ўша асоссиз туҳматлар: *“С.Ализода чоп этган мақолаларида “йўқолсин империализм” ўрнига “йўқолсин ВКП” сўзини ишлатган, колхозлаштиришга қарши чиққан...”* Кейин 1945 йилда турмада шифокор, ҳамшира, ошпаз, омборчи, қўриқчи бўлганларнинг манзилини топдим: *“Ализода ўқимишли одам эди,* — деди саксон ёшли шифокор Екатерина Богатова. — *Қамоқхона бошлиғининг бобонгизга ҳурмати бўлакча эди, яхши овқатлар, дори-дармонлар бериб туришимизни тайинларди”.* Қамоқхона атрофидан бобомнинг қабрини излаб, қўлида гул кўтариб келаётган бир чол билан суҳбатлашдим: *“Бобонгиз ётган камеранинг қўриқчиси эдим, тўрт йил қўриқлаганман. Бошидан нималар ўтганини яхши биламан. Мендан ҳеч нарсани яширмасди. Билардик, бу одамнинг айби бўлмаган, лекин ҳаёти хавф остида эди. Ализодани қўлидан тутиб, касалхонага олиб борардим. Мана — қабри...”*

Узоқ йиллар бобоси ҳақида ҳеч нарса билмаган Фарҳод Ализода у Владимир қамоқхонасига қандай келиб қолгани, уни қариндошларининг иштирокисиз кўмиб юборишганини тасаввур ҳам қилолмасди.

Саидризо Ализода 14 та — озар, рус, ўзбек, форс, араб, арман, урду, инглиз, немис, француз, итальян, курд, иврит тилларини мукаммал билган, аммо “Ойина” журналининг 35-сонида С. А. имзоси остида берилган мақолада: *“Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўша берсак, бир оз замонда тил ва миллиятимизни йўқотурмиз. Миллиятимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта, йўқолур. Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадир”*, дейди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Иван Грозний қурдирган Владимир “Централ”ининг совуқ, зах яккашин хонасига турма бошлиғи Раввинский ярим тунда Ализодани чақириб, ўзининг унутилган иброний (иврит) тилини ўрганади. Эвазига оиласи, дўстларига мактуб жўнатишга рухсат беради. Минг афсуски, мактублар зориқиб кутилган хонадонга етиб бормайди.

— Вафотидан кейин оқланган бобомнинг қабрини ўз Ватанига кўчириш ҳам ниҳоятда қийин кечди, — дейди Ф. Ализода. — Маҳаллий ҳукуматлар бу ишнинг катта шов-шувга айланишидан чўчиб, турли тўсиқларни ўйлаб чиқараверди... Не-не машаққатлар билан бобомнинг “дело”сини излаб, энди қабрини топганда хокини Самарқандга олиб келмасак ўзимни кечиролмасдим. Яна қайтиб Владимир шаҳрининг маъмурияти ва зиндонбонларига ялинибёлворишга мажбур бўлдим. Аслида Самарқанд шаҳар ижроия қўмитасидан Ализоданинг қабрини марҳумнинг қариндошлари ҳисобидан Владимир шаҳридан Самарқандга кўчиришга рухсат этилиши ҳақида атиги бир энлик хат сўралганди, холос. Шунчаки йўлига... 1987 йили Владимир шаҳри ҳокими Роберт Магазин кутилмаганда расмий ҳужжатсиз ўзи қабр бошида туриб, қирқ икки йил ер остида ётган бобомнинг суякларини олиб, матога ўраб берди. Ва ниҳоят Саидризо Ализоданинг хоки Самарқанддаги “Панжоб” қабристонига дафн этилди.

Маърифатпарвар жадидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолимизнинг маънавий асосларини яратишдаги фидойиликларини қадрловчи Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқандда Саидризо Ализода уй-музейи ташкил этилди. Шу шаҳардаги 14-умумтаълим мактаби ва кўча улуғ маърифатпарвар номи билан аталди, кўча бошига бюсти ўрнатилди. Етти йилдирки, Фарҳод Ализода гоҳ Москванинг Химкидаги ҳужжатгоҳида, гоҳ Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин кутубхонасида, гоҳида Лоҳурдаги музейда бобосининг қўлёзмаларини синчиклаб ўрганиб келмоқда.

Ҳаёт шундай: мақсад қанча улкан бўлса, машаққати, заҳмати ҳам шунга яраша бўлади. Қарангки, 1937 йил декабрда Самарқанд давлат университетида Саидризо Ализодани НКВД ходимлари олиб кетган бўлса, бугун шу илм даргоҳидаги кутубхонада маърифатпарварнинг миллат зиёлиси сифатида нурли сурати бизга боқиб турибди. Ҳурриятни қўмсаган нурли сиймо авлодларга разм солиб: *“Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидир...”* — бири истиқлол болаларига таълим-тарбия берса, иккинчиси халқимизнинг дарду ташвишларига елкадошлигидан хотиржамман, деяётгандек.

Адиба УМИРОВА
(«Халқ сўзи»).

Оғир атлетика: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАН 5 ТА МЕДАЛЬ

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Акбар Жўраев ва Руслан Нурудинов Норвегияда якунланган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашди: 110 килограммгача вазн тоифасидаги баҳсларда иштирок этган оғир атлетикачиларимиз 3 та олтин ва 2 та бронза медалини қўлга киритди.

Аҳамиятлиси, даст кўтаришда 196 кг. тошни бўйсундириб, дунё рекордини янгилаган А. Жўраевга навбатдаги дастурда ҳам ғолиблик насиб этди. У силтаб кўтаришда 232 кг. натижани қайд этиб, олтин медалга эга чиқди. Бундан ташқари, ҳамюртимиз умумий ҳисобда 428 кг. кўрсаткич орқали икки кураш якуни бўйича ҳам тенгсиз бўлди.

Даст кўтариш дастурида тўртинчи бўлган Р. Нурудинов силтаб кўтариш машқида 228 кг. натижа кўрсатиб, бронза медали билан кифояланди. Унинг умумий кўрсаткичи эса 414 килограммни ташкил этди. Шу тариқа 33 ёшли Р. Нурудинов 2 та бронза медалини қўлга киритди.

Ўзбекистон вакиллари жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида кучли бешликдан жой олди.

Дзюдо: ЎЗБЕКИСТОН — УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ

Қозоғистоннинг Актау шаҳри мезбонлик қилган Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) тақвимидан ўрин олган турнир ниҳоясига етди.

Икки кун давомида дунёнинг ўнта давлати вакиллари иштирокида кечган мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси 5 та олтин, 3 та кумуш, 8 та бронза — жами 16 та медаль билан умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Қозоғистон вакиллари 2-ўрин, озарбайжонлик дзюдочилар эса 3-ўрин билан кифояланишди.

Теннис: СЕРГЕЙ ФОМИННИНГ ЗАФАРЛИ ЮРИШИ

Хитойнинг Шеньжень шаҳрида теннис бўйича “Челленжер” туркумига кирувчи турнирнинг саралаш баҳслари якунланиб, асосий босқич бошланди.

“Challenger 75” тоифасига кирувчи турнирнинг мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Саралаш баҳсларида ўз маҳоратини намойиш этган ҳамюртимиз Сергей Фомин яримфиналда таиландлик Вишаяни 6/3, 6/3 ҳисобида мағлуб қилди. Мусобақанинг финал учрашувида эса америкалик Эван Чжудан устун келди — 6/3, 1/6, 6/3. Шу тариқа Сергей кейинги босқичга йўл олди.

Мазкур мусобақанинг асосий тур баҳсларида мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Ҳумоюн Султонов ҳам қатнашади.

Футбол: КАННАВАРО УЧУН ДАСТЛАБКИ СИНОВ

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) кунлари доирасида турли минтақаларда ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди.

Яқиндагина Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббий қилиб тайинланган 2006 йилги “Олтин тўп” соҳиби, италиялик Фабио Каннаваро бошчилигидаги футболчиларимиз ўқув-тайёргарлик йиғини доирасида Кувайт ва Уругвай терма жамоаларига қарши майдонга чиқди. Илк баҳсда катта устунликка эга бўлган тўптепарларимиз Э. Шомуродов ва Ҳ. Эркинов голлари эвазига кувайтлик футболчиларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Кеча Малайзиянинг Малакка шаҳрида Жанубий Америка вакиллари билан куч синашган терма жамоамиз аъзолари 1:2 ҳисобини қайд этишди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

РЕКЛАМА

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2025 йил 3 ноябрь, соат 15:00. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2025 йил 28 октябрь.

Кун тартибига киритилган масалалар:

1. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. Акциядорлик жамиятининг 2025 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича олган соф фойдасини тақсимлашни кўриб чиқиш;
4. Жамиятнинг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;
5. «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти устав капиталини ошириш.

«Elektron Rieltor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан “O‘zsanoatqurilishbank” АТВ балансида бўлган:

Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, “Зиёкор” МФЙ, Оқ карвон кўчаси, 7-уйда жойлашган Хизмат кўрсатиш (АЁҚШ) биноси сотилади. Бошланғич баҳоси: 301 996 000 сўм.

Сотиш шарти: 3 йил муддатга бошланғич 20 % тўлов, йиллик 14 % устама ҳақ тўлаш шарти билан (риэлторлик хизмат ҳақи қўшилган), график (аннуитет) тўлаш шарти асосида.

Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

*Савдода иштирок этиш учун талабгорлар **“e-rieltor.uz”** платформаси орқали ариза беришлари мумкин.*

Call-марказ: +99855-517-22-20.
Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари жамоаси таҳририят масъул ходими Михаил Юрьевич Мирзабековга онаси

Нина Семёновна МИРЗАБЕКОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

2026 йил 1 мартдан биттадан ижтимоий соҳа муассасаси биноларини «Ноль энергия сарфли бинолар» концепцияси асосида модернизация қилиш бўйича пилот лойиҳалар бошланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.45 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6